

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 339.92(532)
ББК:65.9 (5 Сау)
С-21

САИДАЗИЗОВ АБДУЛЛАХОН УБАЙДУЛЛАЕВИЧ

**САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН
САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

5A231001 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
(Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси мамлакатлари)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. Тўхлиев Н.Т.

ТОШКЕНТ – 2014

Магистратура бўлими
бошлиғи

Алимова Р.Р.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Факультет: Хорижий
мамлакатлар иқтисодиёти ва
мамлакатшунослик

Кафедра: Яқин ва Ўрта Шарқ
минтақаси иқтисодиёти ва
мамлакатшунослиги

Ўқув йили: 2013-2014

Магистратура талабаси: Саидазизов
Абдуллахон Убайдуллаевич

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари
доктори, профессор Тўхлиев Нурислом
Тўхлиевич

Мутахассислиги: 5A231001 –
Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва
мамлакатшунослик (Яқин ва Ўрта
Шарқ минтақаси мамлакатлари)

**“Саудия Арабистонининг Европа Иттифоқи билан савдо-иқтисодий
ҳамкорлиги йўналишлари” мавзусидаги магистрлик диссертацияси**

АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. Глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолият иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланиб, жаҳоннинг бирор бир мамлакати ўз ресурслари ҳисобига жиддий тараққиётга эриша олмайди. Шу сабабли жаҳоннинг турли мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар хусусиятларини ўрганиш мамлакатимиз учун долзарб аҳамиятга эга.

Ишнинг мақсади Саудия Арабистони ва ЕИ мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишларини асослашдан иборат.

Ишнинг вазифалари:

- халқаро савдо назарияларини ретроспектив таҳлил қилиш;
- Саудия ва ЕИ мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг асосий йўналишларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти этиб Саудия Арабистони ва ЕИ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар танлаб олинди. **Тадқиқотнинг предмети** бўлиб савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот давомида иқтисодий-статистик, гуруҳлаш, таққослаш ва бошқа усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг услубий асоси бўлиб ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси:

- халқаро савдо назарияларини ретроспектив таҳлил қилиш асосида унинг миллий иқтисодиёт ривожланишида тутган ўрнига баҳо берилган;

- Саудия Арабистони ва ЕИ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг асосий йўналишлари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ташқи савдо билан боғлиқ дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Илмий раҳбар

Тўхлиев Нурислон Тўхлиевич

Магистратура талабаси

**Саидазизов Абдуллахон
Убайдуллаевич**

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY EDUCATION OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE INSTITUTE OF ORIENTAL STUDIES

Faculty: Foreign countries economy and country studying

Department: Middle East countries economy and country studying

Year of study: 2013-2014

Master's student: Abdulla Ubaydullayevich Saidazizov

Research advisor: Professor Nurislam Tuxliyevich Tuxliyev

Specialty: 5A231001 – Foreign countries economy and country studying (Middle East countries)

Annotation of master's thesis on the subject: "The main directions of trade-economic partnership between Saudi Arabia and European Union"

Currency of subject. Foreign economic activity is one of the main factors of economic increase in globalization processes. Countries can not support economic development according to its resources. From this point of view, it is very important for our country to learn trade-economic partnership between countries of the world.

Purpose and objectives. Purpose of the master's thesis is to analyze the main directions of trade-economic partnership between Saudi Arabia and EU.

Research objective:

- to analyze international trade theory analytically;
- to learn the main directions of trade-economic partnership between Saudi Arabia and European Union.

Object of study is the trade-economic relations between Saudi Arabia and EU. **Subject of study** is social-economical issues related to trade-economic partnership.

The study is based on modern scientific methods, including logical, comparative, statistical analysis and others.

Methodological basis of master's thesis based on the works of the President of the Republic of Uzbekistan I. A. Karimov, devoted to foreign trade, as well as research of foreign and domestic scientists.

Scientific novelty of research results are followings:

- analyzed international trade theory analytically and its role in the development of national economy;
- based the main directions of trade-economic partnership between Saudi Arabia and European Union.

The practical value of the research can be used in development of new projects and programs related to foreign trade.

Structure of master's work. The work consists of an introduction, three chapters, conclusion and bibliography.

Professor

Nurislam Tuxliyevich Tuxliyev

Master's student

Abdulla Ubaydullayevich Saidazizov

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Халқаро савдо ривожланишини тадқиқ этишнинг назарий асослари.....	8
1. Халқаро савдо ривожланишининг концептуал жиҳатлари.....	8
2. Халқаро савдо ривожланишнинг замонавий тенденциялари.....	18
I боб бўйича хулоса.....	33
II Боб. Саудия Арабистонининг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигининг асосий йўналишлари таҳлили.....	35
1. Саудия Арабистонининг иқтисодий салоҳияти ва унинг жаҳон хўжалигидаги ўрни.....	35
2. Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари.....	45
3. Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш жараёнлари ва динамикаси таҳлили.....	52
II боб бўйича хулоса.....	61
III боб. Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари	
1. Саудия Арабистони иқтисодиётининг ривожланишида Европа Иттифоқи мамлакатлари инвестицияларининг ўрни ва роли.....	63
2. Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони билан ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги ва уни ривожлантириш истиқболлари.....	75
III боб бўйича хулоса.....	84
Хулоса.....	86
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	90

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда жаҳон хўжалиги ривожланишининг муҳим хусусиятларидан бири глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви, алоҳида миллий хўжалик тизимлари ўртасида алоқаларнинг ҳар томонлама кенгайишидан иборатдир. Бундай шароитда шаклланаётган халқаро иқтисодий алоқалар тизими дунёнинг деярли барча мамлакатларини ягона хўжалик механизмига бирлаштириб, айрим миллий хўжаликлар доирасида ҳам, дунё кўламида ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиши учун хизмат қилади. Шу муносабат билан жаҳоннинг бир мамлакатада юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар иккинчи бир мамлакатга таъсир кўрсатиши табиий. Жаҳон хўжалик тизимининг таркибий қисми ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортнинг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин”¹. Шу сабабли жаҳоннинг турли мамлакатлари ўртасида кечаётган савдо-иқтисодий алоқалар динамикаси, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, халқаро меҳнат тақсимоотида ўз ўрнига эга бўлиши масалалари ва халқаро иқтисодий тизимларга самарали интеграциялашувига

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 11-б.

имконият берувчи ривожланиш стратегиясининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга ва бу ҳолат мазкур магистрлик диссертациясининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг асосий йўналишларини асослашдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

- турли иқтисодий қарашлар ва услубий ёндошувларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида халқаро савдонинг моҳияти ва ҳаракатлантирувчи кучларини очиб бериш;

- глобаллашув шароитида халқаро савдо ривожланишининг замонавий тенденцияларини аниқлаш;

- Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро савдо алоқалари динамикасини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни бир тизимга келтириш;

- Саудия Арабистони ва ЕИ ўртасидаги савдо алоқаларининг географик ва товар тарихидаги ўзгаришлар йўналишларини асослаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб савдо-иқтисодий ҳамкорлик жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалалари бўлиб халқаро савдо ривожланишининг назарий жиҳатлари, Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш, Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг фарази шундан иборатки, мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мамлакатимизда мавжуд табиий-иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга ва аҳоли турмуш фаровонлигининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мавзунинг ўрганилганлиги. Халқаро савдонинг моҳияти ва шакллари, халқаро савдо алоқалари ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг миллий иқтисодиётлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни, шунингдек глобллашув шароитида мазкур соҳанинг ривожланиши хорижлик иқтисодчи-олимлар – А. Смит, Д. Рикардо, Э. Хекшер, Б. Олин, В. Леонтьев, П. Самуэльсон, Р. Вернон, М. Портер, Ж. Сакс, А. Маршалл, П. Кругман, Петер Ж. Баклей, Б. М. Карлларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган¹.

Мазкур масалалар бўйича МДХ мамлакатлари иқтисодчи-олимлари М.Е. Стровский, В.В. Симонов, Б.И. Фомичев, А.П. Кузякин, М.А. Семичов, Е.Ф. Авдокушин, О.Д. Давидов, Ломакин, Волков, М.К. Солодков, В.И. Трухачев, И.Н. Лякишев, В.Л.Ерохин, Е.В. Вавилова, Л.П.Бородулиналарнинг илмий тадқиқот ишларини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир².

Мамлакатимизда ташқи савдо фаолиятига алоҳида аҳамият берилиши

¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1993. – 332 с; Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. М.: Прогресс, 1993. – 293 с.; Peter J. Buckley Is the International Business Research Agenda Running out of Stea /Journal of International Business Studies. – London, P. 365-373.; В. М. Carl Trade and Developing world in 21st century. New York, 2001. – С.37.; Маршалл А. Принципы экономической науки. – М.: Прогресс, 1993. – 267 с.; Hecksher Eli. The Effect of Foreign Trade on the Distribution of Income. /Economic Tidskrift/ - New York, 1993. – P.497-512.; Bertil Ohlin. Irregional and International Trade. – Cambridge, Massachuset: Harvard University Press, 1933. – С.12-15.; Paul Samuelson. International Trade and the Equalization of Factor Prices. /Economic Journal. – 1948. - P.163-184; Krugman Paul. Import Protection as Export Promotion: International Competition in the Presence of Oligopolies and Economic Scale. In: Monopolistic Competition and International Trade. – Oxford: Oxford University Press, 1984. – 354 p.; Портер М. Международная конкуренция. /Пер. с англ. Под ред. И с предисловием В.Д. Щетинина. М.: Международные отношения, 1993. – 896 с.; Кейнс Д. Общая теория занятости, процента и денег: Антология экономической классики. - М.: Эконом-Ключ, 1993. – 456 с.

² Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.:Юрист», 2003. – 254 с.; Фомичев В.И. Международная торговля. – М.:Международные экономические отношения, 2001. – 224 с.; Кузякин А.П., Семичев М.А. Мировая экономика. – М.: ООО «ТК Велби», 2002. – 558 с.; Давыдов О.Д. Внешняя торговля. М.: «Марко Медия», 1996. – 554 с.; Ломакин В.К. Мировая экономика: Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. - 735с.; Николаева И.П. Мировая экономика. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007. – 240 с.; Волков Г.Ю., Солодков Г.П. Международная торговля. – М.: Издательство «Феникс», 2008. – 128 с.; Трухачев В. И., Лякишева И. Н., Ерохин В. Л. Международная торговля. – М.: Издательство «СтГАУ "АГРУС"», 2008. – 258 с.; Вавилова Е.В., Бородулина Л.П. Международная торговля. – М.: Издательство «Юрист», 2006. – 664 с.

ва мазкур соҳани ривожлантиришда нафақат амалий, балки илмий имкониятлар кўламининг кенгайтирилишига эътибор қаратилиши натижасида мамлакатимиз иқтисодчилари Алимов А.М, Тўхлиев Н, Холматов Н, Хамидов И.А., Эрмаматов Ш ва бошқаларнинг илмий изланишларида халқаро савдони ривожлантириш масалалари кенг ёритилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиздир³.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Магистрлик диссертациясининг назарий-услубий асоси бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди. Шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясини ёзиш давомида статистик таҳлил, тизимли ёндашув, абстракт фикрлаш, умумлаштириш усуллари кенг қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясининг асосий натижаларидан ташқи савдони ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, магистрлик диссертациясининг материалларидан олий ўқув юртларида маъруза ва семинар маҳсулотларига тайёргарлик жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги Туркия ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг комплекс тарзда ўрганилганлигида ўз аксини топади. Шунингдек,

³Н.Тўхлиев, Қ. Ҳақбердиев, Ш. Эрмаматов, Н.Холматов Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. –Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. - 280 б.; Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолияти асослари. – Тошкент, 2004. – 321б.

магистрлик ишида илмий янгилик элементларига эга қуйидаги жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро савдо алоқалари динамикасини таҳлил қилиш асосида унга таъсир этувчи омиллар бир тизимга келтирилган;

- Саудия Арабистони ва ЕИ ўртасидаги савдо алоқаларининг географик ва товар тарбидаги ўзгаришлар йўналишлари асосланган.

Иш тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Халқаро савдо ривожланишини тадқиқ этишнинг назарий асослари

1. Халқаро савдо ривожланишининг концептуал жиҳатлари

Халқаро савдо жаҳон хўжалик алоқаларининг энг дастлабки ва асосий шакли ҳисобланади. Унинг тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Қадимги Миср, Юнонистон, Рим ҳали қулдорлик тузуми давридаёқ бошқа мамлакатлар билан савдо-сотик қилган. Инсоният тарихида биринчи марта Шарқ ва Ғарб дунёсини бир-бири билан боғлаган китъалараро Буюк ипак йўли ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган шаҳарларда савдо-сотикнинг кенг қулоч ёйишига олиб келган эди. Гарчи сўнгги йилларда халқаро иқтисодий алоқаларда товар экспортига нисбатан инвестицияларни бевосита хорижга чиқариш юқори суръатларда ўсаётган бўлса-да, жами жаҳон хўжалик алоқаларининг 4/5 қисми халқаро савдо ҳиссасига тўғри келади. Бу, энг аввало, халқаро савдонинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ва халқаро иқтисодий алоқалардаги ўрни билан изоҳланади.

Ташқи савдонинг ривожланиши миллий иқтисодиёт ривожланишига қуйидаги йўналишларда таъсир кўрсатади:

- миллий иқтисодиётнинг ресурслар базаси кенгаяди ва ички бозор торлигига барҳам берилади;
- миллий хўжаликларда такрор ишлаб чиқариш жараёнлари интенсивлашади: оммавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун имконият юзага келади, ускуналарнинг юкланганлик даражаси ошади, янги техника ва технологияларни жорий этиш самарадорлиги ўсади;
- жамғариш ва саноатлашув имкониятлари кенгаяди, иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашади, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади, пировард натижада меҳнат унумдорлигининг ўсиши юз бериб, кишилар даромадлари кўпаяди;

- экспорт ҳажмининг ўсиши янги иш ўринларининг барпо этилишига олиб келади;

- мамлакатнинг халқаро ихтисослашув даражаси ортади.

Халқаро савдонинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, жаҳон хўжалик алоқаларининг барча шакллари – капитал чиқариш, ишлаб чиқариш кооперацияси, илмий-техника ҳамкорлиги халқаро савдо орқали амалга ошади.

Иккинчидан, товарлар халқаро савдосининг ривожланиши пировард натижада халқаро хизматлар алмашинуви даражасини белгилаб беради.

Учинчидан, халқаро савдонинг ривожланиши минтақавий интеграция жараёнлари жадаллашувининг муҳим шарти ҳисобланади ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига олиб келади.

Тўртинчидан, хорижий инвестициялар ва халқаро ҳисоб-китобларни рағбатлантиради.

Халқаро савдонинг ривожланишига буюк географик кашфиётлардан кейин янги денгиз йўлларининг очилиши кучли туртки бўлди. Айниқса, саноат, машиналашган ишлаб чиқариш халқаро хўжалик алоқаларини янада ривожлантириб юборди. Янги тармоқлар, ишлаб чиқариш турларининг пайдо бўлиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички истеъмолдан ташқари қисмини чет элга чиқариш ва сотиш имконини берди. Шу вақтнинг ўзида кўпчилик мамлакатларда хом ашё ресурсларига эҳтиёж кескин ошди. Энди ташқи олди-сотди ҳаракатларини амалга оширишни уйғунлаштирадиган халқаро бозор зарур бўлиб қолди.

Халқаро бозор – халқаро меҳнат тақсимоти, ташқи савдо ва иқтисодий муносабатлар билан ўзаро боғланган алоҳида давлатлар миллий бозорларининг мажмуидир. Унинг кўлами фақат ташқи савдо, товар айирбошлаш билан чекланмайди. Сўнгги пайтларда мамлакатлар ўртасида капитал ҳаракати, валюта муносабатлари, ишчи кучи миграцияси, илмий-

техника ҳамкорлиги катта аҳамият касб этмоқда. Кўплаб ташкил этилаётган кўшма корхоналар, эркин иқтисодий зоналар, трансмиллий компаниялар ҳам миллий давлатлар иқтисодиётини жаҳон бозори атрофида бирлаштиради. Инсоният глобаллашув, ягона халқаро иқтисодиёт, жаҳон иқтисодиёти ҳамжамияти сари бормоқда.

Халқаро савдонинг моҳияти, унинг сабаблари кўплаб иқтисодчилар эътиборини ўзига жалб этиб келган. Ушбу масалани дастлаб меркантилистлар⁴ изоҳлаб беришга ҳаракат қилганлар. Меркантилистлар мамлакат бойлигининг асосини олтин (пул) ташкил этади деб ҳисоблаганлар ва уларнинг ташқи савдо назариялари шу ғояга асосланган. Меркантилистлар фикрича, ташқи савдо мамлакатдаги олтин миқдорини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга қаратилмоғи лозим. Шу сабабли мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун имкон қадар маҳсулотларни кўпроқ экспорт қилиш ва камроқ импорт қилиш зарур, экспорт ва импорт ўртасидаги тафовут эса миллий бойликнинг ўсиши ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда давлат экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва импортни чеклаши лозим.

Кўриниб турибдики, меркантилистлар моҳиятан бир мамлакатнинг иккинчиси ҳисобидан бойишини таклиф этганлар. Шу билан бирга ушбу мактаб вакиллариининг хизматлари шундаки, улар биринчилардан бўлиб ташқи савдо муаммоларига эътибор қаратдилар, унинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятини таъкидладилар, экспорт ва импортга сарфланадиган харажатларнинг муайян нисбатини асослаб бердилар.

Халқаро савдо назарияси ривожланишига классик-иқтисодчилар сезиларли улуш қўшганлар. XVIII асрнинг охирлари ва XIX асрнинг бошларида буюк инглиз иқтисодчиси Адам Смит ўзининг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот”⁵ номли асарида (1776

⁴Меркантилизм мактабининг асосий намояндалари Томас Мун (1571-1641), Чарльз Давенант (1656-1687), Джейн Баптист Колберт (1623-1687), Уильям Петти (1623-1687) ҳисобланади.

⁵ Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected. Edited with an introduction and Notes by Kathrin Sutherland. – Oxford University Press, 1998, 618 pp.

йил) мутлақ афзаллик назариясини баён этди. Унинг фикрича, халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этаётган мамлакатлар энг кўп фойда оладилар. Бирор бир товар ишлаб чиқаришда мутлақ афзалликка эга бўлган мамлакат ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ва уни бошқа мамлакатга сотиши мақсадга мувофиқ. А.Смитнинг асосий хизмати шундаки, у табиий ва орттирилган афзалликларнинг мавжудлиги орқали мамлакатлараро савдо оқимларини тушунтириб берди.

А.Смитнинг мутлақ афзаллик назарияси Д.Рикардо томонидан янада бойитилди. У ўзининг “Сиёсий иқтисод ва солиққа тортишнинг бошланиши”⁶ (1817 йил) номли китобида нисбий афзаллик назариясини яратди. У юқори самарали хўжаликка эга бўлмаган мамлакатда ҳам ташқи савдо қўшимча манфаат келтиришини исботлаб берди. Ушбу назарияга мувофиқ алоҳида олинган мамлакат бошқа мамлакатга нисбатан кам харажатлар сарфлайдиган маҳсулотларни экспорт қилиши ҳам манфаатли ҳисобланади. Амалда мутлақ харажатлар бошқа мамлакатларга нисбатан бир неча баробар юқори бўлиши ҳам мумкин. У иқтисодий адабиётларда классик бўлиб қолган Англияда мато ва Португалияда вино ишлаб чиқаришни мисол қилиб келтиради.

Рикардо келтирган мисолга кўра, Англияда мато ишлаб чиқариш бир йилда 100 киши меҳнатини талаб қилади. Бу матони Португалияга сотиб, Англия ундан вино сотиб олади. Винони мамлакат ичкарасида ишлаб чиқариш эса қўшимча 120 кишини ишлаб чиқаришга жалб этишни талаб этар эди. Шундай қилиб, Англияга винони сотиб олиш фойдали ҳисобланади. Айни вақтда Португалияда шунча миқдордаги мато ва винони ишлаб чиқариш учун мувофиқ равишда 90 ва 80 киши талаб этилади. Португалияда мато ишлаб чиқариш Англияга нисбатан арзон, аммо вино ишлаб чиқаришга нисбатан қиммат. Шу сабабли Португалия учун вино ишлаб чиқариш ва уни Англия матосига алмаштириш фойдали ҳисобланади. Агар бир хил

⁶ David Ricardo. The Principles of Political Economy and Taxation. – Cambridge University Press, 1951, pp.133-149.

миқдордаги мато ва винони ҳар бир мамлакат ўзи учун ва экспорт учун ишлаб чиқаради, деб фараз қилсак ва уларни ўзаро таққосласак, ташқи савдонинг афзаллигини осон исботлаш мумкин (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Ташқи савдонинг афзалликлари

Мамлакатлар	Бозор					
	Ёпиқ			Очиқ		
	вино	мато	жами	вино	Мато	Жами
Португалия	80	90	170	160	-	160
Англия	120	100	220	-	200	200
Жами	200	190	390	160	200	360

Келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, ишлаб чиқариш Португалияда самарали бўлиб, мутлақ афзаллик назариясидан келиб чиқиладиган бўлса, Англияда ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва барча маҳсулотларни Португалиядан сотиб олиш лозим. Айни вақтда мамлакатда барча ишлаб чиқаришни ёпиш мумкин эмас. Шу сабабли Англия хорижда энг арзон бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатади. Мазкур мисолда бундай маҳсулот вино бўлиб, Португалияда вино ишлаб чиқариш учун Англиядаги харажатларнинг 67 фоизи сарфланади, холос.

Вино ишлаб чиқаришдан озод бўлган кишилар мато ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошлайдилар ҳамда уни ички эҳтиёжларни қондириш ва вино сотиб олиш учун етарли миқдорда ишлаб чиқара бошлайдилар.

Мато ишлаб чиқариш ҳам Англияга нисбатан арзон, аммо Португалия вино ишлаб чиқаришга ихтисослашишни афзал билади. “Унинг (Португалия) учун ўз капиталидан вино ишлаб чиқаришда фойдаланиш афзалроқ, чунки Португалия ўз капиталининг бир қисмини виночиликдан мато ишлаб чиқаришга ўтказиш эвазига ишлаб чиқарадиган матога нисбатан Англиядан кўпроқ мато сотиб олишга эришади”⁷.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ташқи савдо ҳар иккала мамлакат учун ҳам фойдали ҳисобланади. Агар мамлакатлар ташқи бозорга

⁷ Рикардо Д. Соч., Т.1. – с.117.

чиқмасалар Португалияда вино ва мато ишлаб чиқаришга сарфланадиган жами харажатлар 170 бирликни, Англияда – 220 бирликни ташкил этади. Ихтисослашув ва ташқи бозорга чиққандан сўнг Португалияда ишлаб чиқариш харажатлари 160 бирликка, Англияда 200 бирликка тенг бўлади. Иккала мамлакатда илгари эҳтиёжларни қондириш учун 390 меҳнат бирлиги талаб қилинган бўлса, ихтисослашувдан сўнг 360 меҳнат бирлиги керак бўлади, холос. Шундай қилиб, ташқи бозор истеъмол қилинаётган товарларга сарфланаётган харажатларни минималлаштиради.

Нисбий афзаллик назарияси меҳнатнинг қиймат назариясига асосланади. Ҳозирги кунда нисбий афзаллик муқобил харажатлар орқали аниқланади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида халқаро савдодаги таркибий ўзгаришлар натижасида табиий афзалликларнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги роли сезиларли даражада пасайди. Швед олими Э.Хекшер ва даниялик Б.Олин қайта ишлаш саноати маҳсулотлари билан савдо қилиш сабабларини изоҳлаб берувчи назарияни яратдилар (XX асрнинг 20-30 йиллари). Ушбу назарияга мувофиқ турли мамлакатлар меҳнат, капитал ва ер билан турли даражада таъминланган бўлиб, уларга бўлган талаб ҳам бири-биридан фарқ қилади.

Масалан, меҳнат ресурсларига бой бўлган мамлакатда капитал етишмовчилиги мавжуд бўлиб, меҳнат нисбатан арзон бўлади ва, аксинча, меҳнат ресурслари кам бўлиб, капиталга бой бўлган мамлакатда капитал нисбатан арзон бўлади. Шу сабабли биринчи мамлакатнинг меҳнат сиғими юқори бўлган, иккинчи мамлакатнинг капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотни экспорт қилиши манфаатли ҳисобланади. Хекшер-Олин назарияси халқаро савдода кузатиладиган кўплаб қонуниятларни аниқ изоҳлаб беради. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатлар ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисмини ўзларида мўл бўлган ресурслар ташкил этадиган товарларни экспорт қиладилар.

XX асрнинг ўрталарида (1948 йил) америкалик иқтисодчилар П.Самуэльсон ва В.Столпер Хекшер-Олин назариясини янада такомиллаштирдилар. Ишлаб чиқариш омиллари ва техниканинг бир хиллиги, соф рақобат ва товарларнинг тўлиқ сафарбарлиги шароитида халқаро алмашув мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш омиллари нархларини тенглаштиради. Муаллифлар ўз концепцияларини Д.Рикардо модели асосида Хекшер-Олин назариясини тўлдириш орқали асослайдилар ва савдога нафақат ўзаро манфаатли алмашув, балки мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги тафовутни қисқартириш воситаси сифатида ҳам қарайдилар.

XX асрнинг 50-йилларида америкалик иқтисодчи В.Леонтьев ўз тадқиқотларида ташқи савдо назариясини янада ривожлантирди. Бу модель иқтисодий адабиётларда “Леонтьев парадокси” номи билан машҳур. Хекшер-Олин теоремасига асосланиб, у урушдан кейин Америка Қўшма Штатлари иқтисодиёти меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлигини кўрсатиб берди. Бу эса АҚШ иқтисодиёти тўғрисидаги илгариги назарияларга зид бўлиб, АҚШ капиталга бой мамлакат бўлганлиги туфайли капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиши лозим эди. Таҳлил жараёнига иккидан ортиқ ишлаб чиқариш омилларини, шу жумладан, фан-техника тараққиёти ва меҳнатдаги тафовутларни (малакали ва малакасиз) киритиб, В.Леонтьев юқоридаги парадоксни тушунтириб берди ва шу орқали халқаро савдо назариясига ўз ҳиссасини қўшди.

Кейинги йилларда жаҳон савдоси йўналишлари ва таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бундай ўзгаришлар жумласига жаҳон савдосида техник тараққиётнинг етакчи ўринга кўтарилганлиги, жаҳон савдо айланмасида ички фирма савдоси улушининг кескин ошганлиги, ишлаб чиқариш омиллари билан тахминан бир хил таъминланган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган бир-бирига ўхшаш товарлар савдоси салмоғининг ўсиб бораётганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу ўзгаришларни фақат

халқаро савдонинг классик назариялари орқали тушунтириш мушкул. Бу эса мавжуд назарияларни янада ривожлантиришга ва муқобил назарий концепцияларни ишлаб чиқишга туртки бўлди.

XX асрнинг 60-йилларида америкалик иқтисодчи Р. Вернон маҳсулотнинг ҳаёт цикли назариясини илгари сурди. Бу назарияда Р.Вернон тайёр маҳсулотлар халқаро савдосини уларнинг ҳаёт босқичлари орқали тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Мазкур назарияга кўра, маҳсулотнинг ҳаёт цикли тўртта босқични ўз ичига олади: жорий этиш, ўсиш, пишиб-етилиш ва пасайиш. Биринчи босқичда мамлакат (кўп ҳолларда ривожланган мамлакат) ичкарисиди пайдо бўлган эҳтиёжга жавоб сифатида янги маҳсулот яратилади. Шу сабабли биринчи босқичда янги маҳсулотни ишлаб чиқариш кичик серияли характерга эга бўлиб, ишловчилардан юқори малака талаб қилади ва асосан ишлаб чиқариш ушбу маҳсулотни яратган мамлакатда жамланади, ишлаб чиқарувчи эса қарийб монопол мавқега эга бўлиб, маҳсулотнинг кичик қисми ташқи бозорга чиқарилади.

Ўсиш босқичида маҳсулотга бўлган талаб ошади, уни ишлаб чиқариш кенгайди ва аста-секин бошқа мамлакатларга ҳам тарқала бошлайди. Маҳсулот стандартлашади, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кураши кучаяди ва унинг экспорти ҳажми ошиб боради.

Пишиб-етилиш босқичида йирик серияли ишлаб чиқариш устувор ўринга эга бўлади, рақобат курашида нарх омили биринчи ўринга чиқади ва бозорларнинг кенгайиши ҳамда технологияларнинг тарқалишига қараб маҳсулотни яратган мамлакат рақобат афзалликларига эга бўлмай қолади. Ишлаб чиқариш аста-секин ривожланаётган мамлакатларга кўча бошлайди, чунки бу мамлакатларда арзон ишчи кучидан стандарт ишлаб чиқариш шароитида самарали фойдаланиш мумкин.

Пасайиш босқичига ўтиш даражасига қараб маҳсулотга бўлган талаб, айниқса, ривожланган мамлакатларда, пасая бошлайди, ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради, маҳсулот ишлаб чиқариш ривожланаётган мамлакатда тўпланади ва маҳсулотни яратган мамлакат соф импортерга айланади.

Маҳсулотнинг ҳаёт цикли назарияси кўплаб таромоқлар эволюциясини ҳаққоний акс эттиради, аммо халқаро савдо ривожланиши тенденцияларини тўла изоҳлаб бера олмайди. Кўплаб товарлар (ҳаёт цикли қисқа товарлар, транспорт харажатлари юқори товарлар, тор доирадаги потенциал истеъмолчиларга мўлжалланган сифат бўйича кескин табақалашган товарлар ва бошқалар) маҳсулотнинг ҳаёт цикли назариясига мувофиқ келмайди.

XX асрнинг 80-йиларида П. Кругман, К. Ланкастер ва бошқа бир қатор иқтисодчи-олимлар халқаро савдо назариясига муқобил назарияни таклиф этдилар. Бу назария миқёс самарасига асосланади. Бу самаранинг моҳияти шундан иборатки, муайян технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шароитида узок муддатли ўртача харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсиши билан қисқариб боради, яъни оммавий ишлаб чиқариш натижасида иқтисод қилиш имконияти юзага келади.

Ушбу назария муаллифлари фикрича, кўплаб мамлакатлар ишлаб чиқариш омиллари билан деярли бир хил нисбатда таъминланганлар. Шу сабабли улар оммавий ишлаб чиқариш самараси мавжуд бўлган тармоқларга ихтисослашишлари мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатда ихтисослашув ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулотни кам харажатлар сарфлаган ҳолда ишлаб чиқариш имкониятини беради. Миқёс самараси амалга ошиши учун бозор етарли даражада катта бўлиши лозим. Бунда эса халқаро савдо катта роль ўйнайди, чунки у товарларни сотиш бозорини кенгайтириш имконини беради.

Шу билан бир қаторда миқёс самарасини амалга ошириш, одатда соф рақобат тамойилларининг бузилишига олиб келади, чунки у ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва фирмаларнинг йириклашуви билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида бозор таркибининг ўзгаришига олиб келади. Натижада улар ёки олигополистик, ёки монополистик рақобатга асосланган бозорларга айланадилар.

Ташқи савдонинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган назарий қарашлардан бири М.Портернинг рақобат афзалликлари назарияси

ҳисобланади. Ушбу назарияга мувофиқ халқаро бозорда мамлакатлар эмас, балки фирмалар рақобатлашади. Шу сабабли фирма рақобат афзалликларини қандай шакллантириши ва унда мамлакатнинг ролини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Халқаро алмашувда мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасига “рақобатбардошлик ромби” деб аталувчи тўртта бир-бирига боғлиқ омиллар таъсир кўрсатади: 1. Ишлаб чиқариш омиллари шароитлари (мамлакатда асосий ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги); 2. Миқёс самарасини келтириб чиқарувчи ички талаб шароитлари; 3. Бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини қўлловчи тармоқларнинг (кластерларнинг) мавжудлиги; 4. Фирма таркиби стратегияси ва унинг ички тармоқ рақобатидаги ўрни.

Шундай қилиб, халқаро савдо назарияларини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, унинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган классик қарашлар ҳам, замонавий қарашлар ҳам ташқи савдо муносабатлари ривожланиши жараёнида вужудга келадиган барча саволларга жавоб бера олмаса-да, мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзига хос ўрин эгаллашларини таъминловчи афзаллик жиҳатларини аниқлашга имкон беради.

2. Халқаро савдо ривожланишнинг замонавий тенденциялари

Ташқи савдо халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шакли ҳисобланади, у ихтисослашув жарёнларини чуқурлаштиради, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Иқтисодий манфаатларни мақбул тарзда амалга ошириш имкониятларни беради. Шунинг учун давлатлар халқаро иқтисодий ҳамкорлик, экспорт-импорт операцияларни ривожлантириш орқали халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан фойдаланадилар.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда фан-техника тараққиётининг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви натижасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг характери ва йўналишларида туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Бутунжаҳон савдо ташкилоти маълумотларига кўра 2012 йилда жаҳон товар ва хизматлар савдоси тахминан 23 трлн. долларни ташкил этди. Агар фақат товарлар савдосини кўриб чиқадиган бўлсак, у ҳолда жаҳон савдоси 18,4 трлн. долларни ташкил этади⁸. Айни вақтда жаҳон товар ва хизматлар савдоси 1980 йилга нисбатан 5,6 мартага ошганлигини таъкидлаш зарур.

1.2-жадвал

1980-2012 йилларда жаҳон савдосининг ривожланиш динамикаси (трлн. АҚШ доллари ҳисобида)

	1980	1990	1995	2000	2008	2012	2012 йилда 1980 йилга нисбатан, марта
Экспорт	2,0	3,5	5,2	6,4	7,7	12	6
Импорт	2,1	3,6	5,2	6,5	8,3	11	5,2
Ташқи савдо айланмаси	4,1	7,1	10,4	13,0	16,0	23	5,6

Манба: World development indicators, 2013. The World Bank. Washington.

Агар жаҳон товар ва хизматлар экспортининг жаҳон ялпи ички маҳсулотига нисбатини кўриб чиқадиган бўлсак, бу кўрсаткич 2012 йилда 32 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, 1990 йилларнинг бошларида бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этар эди. 1992-2012 йиллар давомида жаҳон ялпи ички маҳсулотида экспорт квотаси 1,5 мартага ошди⁹. Бу эса жаҳон савдоси жаҳон ишлаб чиқаришига нисбатан юқорироқ суръатларда ўсаётганлигини билдиради.

Бундай тенденция натижасида эса миллий хўжаликларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси яқин йилларга нисбатан ҳам сезиларли даражада ортди.

Бугунги кунда халқаро савдонинг энг асосий қатнашчилари – ривожланган мамлакатлар ва Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари ҳисобланади. Жаҳон товар ва хизматлар экспортининг 2012 йилда қарийб 25 фоизи Еврозона мамлакатлари, 10 фоизи – АҚШ, 10 фоизи – Хитой, 9 фоизи – Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари ҳиссасига тўғри келди¹⁰.

⁸ UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014.

⁹ UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014.

¹⁰ World development indicators, 2013. The World Bank. Washington.

Умуман олганда жаҳон савдосида ривожланган мамлакатлар позициясининг сусайиши ва Хитой ҳамда Осиёнинг қатор динамик ривожланаётган мамлакатлари улушининг ошиши жаҳон савдоси ривожланишининг муҳим тенденцияларидан бири ҳисобланади. Бундай тенденция натижасида 2010 йилнинг бошида жаҳон савдосида ўзига хос ходиса юз берди, яъни биринчи марта жаҳон савдосида ривожланаётган мамлакатларнинг улуши ривожланган мамлакатлардан юқори бўлди ва 50 фоиздан кўпроқни ташкил этди. Ваҳоланки, 1980 йилда бу мамлакатларнинг жаҳон савдосидаги улуши 33 фоизни ташкил этар эди, холос.

Шу нуқтаи назардан жаҳон мамлакатларининг сўнгги 100 йилда – 1913 йилга нисбатан жаҳон савдосидаги позицияси қандай ўзгарганлигини кузатиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Рақамлар шуни кўрсатадики, 1913-2012 йиллар давомида Буюк Британиянинг жаҳон савдосидаги улуши 18,5 фоиздан 2,6 фоизгача, Германиянинг улуши 18 фоиздан 7,7 фоизгача пасайган бўлса, АҚШнинг улуши деярли ўзгармасдан қолган: 1913 йилда 9 фоиз, 2012 йилда 8,4 фоиз. Айни вақтда Япониянинг улуши 0,8 фоиздан 4,4 фоизгача, Хитойнинг улуши 2 фоиздан 11,2 фоизгача ўсган¹¹.

Сўнгги ўн йилликларда жаҳон савдоси жаҳон ишлаб чиқаришига нисбатан юқори суръатларда ўсаяпти, аммо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ошиши халқаро савдонинг иқтисодий конъюнктура тебранишларига таъсирчанлиги ҳам ошиб бормоқда.

Кейинги йилларда халқаро савдони ривожланишига қуйидаги омиллар жиддий таъсир кўрсатмоқда:

- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва жаҳон хўжалигининг байналмилаллашуви (интернационаллашуви), миллий хўжаликларнинг очиқлиги ва барча мамлакатларнинг экспорт квотаси кўрсаткичларининг йилдан - йилга ортиб бориши;
- илмий-техника тараққиёти ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини таркибий ўзгаришларини таъминлади, бу жараён

¹¹ UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014.

буюмларнинг маънавий эскиришини тезлаштирди. Маълумотларга кўра, ҳар йили жаҳон савдо айланмасига киритилаётган буюмларнинг 40 фоизи янгиланмоқда;

- четга капитал чиқариш ҳажми ва суръатлари ортмоқда. Тўғридан-тўғри инвестициялар кўпаймоқда. Жаҳон экспорт салоҳияти, халқаро товар айланмаси ортмоқда ва кўлами кенгаймоқда. Капитал оқимларида 10 та йирик мамлакат алоҳида ўрин тутди. Масалан, тўғридан-тўғри инвестициялар экспортида йирик мамлакатлар ҳиссаси 83,4фоиз, импортида эса 73,1фоизн ташкил этади¹²;

- жаҳон бозорларида Трансмиллий компанияларнинг фаолияти фаоллашмоқда, ишлаб чиқаришнинг марказлашуви ва йириклашуви жараёнлари ривожланмоқда. БМТнинг Савдо ва Ривожланиш бўйича Конференцияси (UNCTAD-ЮНКТАД) маълумотларига кўра, жаҳон савдосининг 2\3 қисми ТМКларнинг ҳиссасига тўғри келади¹³.

- халқаро савдонинг таркиби сезиларли даражада ўзгарди: мамлакатлар маҳсулотлар айирбошладан ташқари турли хил хизматлар, молия капитали, ишчи кучи, фан-техника ахборотлари, янги технологиялар, бошқарув усуллари ва бошқалар билан фаол савдо - сотиқ олиб боришга ўтдилар;

- эркин савдо ва божхона иттифоқларини тузиш орқали минтақавий интеграциянинг ривожланиши ва чуқурлашуви жараёнлари жадаллашди. Масалан Европа Иттифоқи, NAFTA (Шимолий Америка мамлакатларининг эркин савдо уюшмаси) кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин;

¹² Международные экономические отношения: Учебник. 2-е издание. Н.Н. Ливенцев ва бошқалар.-М.: Проспект, 2005. –С.268

¹³ Международные экономические отношения: Учебник. 2-е издание. Н.Н. Ливенцев ва бошқалар.-М.: Проспект, 2005. –С.300.

- давлатнинг экспорт ва импорт операциялари учун қулай шарт - шароит яратиш (most favored nations - MFN) мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятга фаол аралашуви жараёнлари кучайди;

- халқаро савдонинг ривожланишида Эркин иқтисодий ҳудудларнинг устуворлиги (масалан Хитой, Таиланд, Кипр ва бошқа мамлакатлар мисолида);

- иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ўз ишлаб чиқаришларини эндигина ривожланаётган мамлакатларга кўчирдилар. Чунки, ривожланган мамлакатларда солиқ юкининг оғирлашуви, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий қонунчилик талабларининг кучайиши ҳамда арзон ишчи кучидан фойдаланишга интилиш ана шундай йўлдан боришга олиб келди.

Ташқи савдо алоқаларига жиддий таъсир этадиган муҳим омил - нарх омили ҳисобланади. XX асрнинг охириги чорагидан бошлаб жаҳон савдосининг асосий товар гуруҳлари нарҳларининг тушиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Бунинг асосий сабаби - жаҳондаги йирик нетто-импортерлар - Осиё мамлакатларида ялпи талабнинг камайиши, қишлоқ хўжалигини реструктуризациялаш ва ишлов берувчи саноат тармоқларига йирик капитал қўйилмаларнинг йўналтирилиши. Айрим мамлакатлар экспорт имкониятларининг ортиши бу ишлаб чиқаришлар таклифининг ортиши ва унга мос равишда талабнинг камайиши ҳамда унга мос равишда нарҳларнинг пасайишига олиб келди.

Ҳозирги замон халқаро иқтисодий назарияларида, асосан, макроиқтисодий, фирма ва корхоналар даражасидаги таҳлилларни олиб боришга муҳим аҳамият берилади. Аслини олиб қараганда, халқаро савдо жараёнларининг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. У натурал хўжалик юритиш шаклидан товар-пул муносабатларига ўтиш, шунингдек, миллий давлатларнинг ташкил топиши ва ишлаб чиқариш

муносабатларининг нафақат мамлакат ичкарисида, балки унинг ташқарисида ҳам ўрнатилганлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги пайтда халқаро савдо халқаро иқтисодий муносабатларнинг анча ривожланган шакли бўлиб ҳисобланади. Халқаро савдо шаклланишининг ўзига хос зарурияти қуйидаги омиллар орқали изоҳланади:

Биринчидан, халқаро ишлаб чиқаришнинг ўзига хос тарзда ривожланиб бориши натижасида дунё бозорларининг шаклланиши;

Иккинчидан, турли мамлакатларда муайян тармоқларнинг номутаносиб тарзда ривожланиш оқибатида анча илғор, ривожланган тармоқ маҳсулотларини ички бозорларда реализация қилиш имкониятларининг чекланганлиги ва уларни ташқи бозорларга олиб чиқиш заруриятининг пайдо бўлганлиги;

Учинчидан, тўхтовсиз иқтисодий ривожланиш шароитида ишлаб чиқариш кўламида чексиз кенгайиш аломатларининг юзага келганлиги ва унинг ички талаб чегарасидан ортиқча бўлиб қолиши;

Тўртинчидан, тинчлик, барқарорлик шароитида давлатлараро муносабатларнинг таркиб топиши;

Бешинчидан, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлишуви шароитида ишлаб чиқариш ва капиталнинг интеграциялашуви;

Олтинчидан, илмий-техника тараққиёти шароитида янги ишлаб чиқариш тармоқларининг шакллантирилиши ва жаҳон бозорида халқаро корпоратсиялар ролининг ортиб бориши;

Еттинчидан, халқаро савдонинг Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ/ВТО) доирасига қабул қилинган меъёрий хужжатлар ва халқаро келишувлари асосида тартибга солиниши;

Саккизинчидан, халқаро савдонионг эркинлашуви шароитида “Эркин Иқтисодий Зоналар”нинг ташкил топиши;

Тўққизинчидан, савдо-иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши ва минтақавий тўсиқларнинг олиб ташланиши мҳамда умумий бозорларнинг шакллантирилишидан иборатдир.¹⁴

XIX-асрда Ғарб мамлакатларида йирик машиналашган ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши халқаро савдони сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш кўламининг катталашувига ва мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларнинг кенгайишига олиб келди. Жаҳон хўжалиги тизимида рўй берган ана шундай ўзгаришлар оқибатида бир томондан ташқи савдо иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айланиб қолган бўлса, иккинчи томондан мамлакатларнинг халқаро товар айрибошлашга бўлган даражаси янада ортиб борди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг халқаро савдонинг ривожланишида фан-техника тараққиётининг таъсири юқори болди. У иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта янгилаш, янада янги тақмоқларни вужудга келтириш, эскиларини эса техник жиҳатдан қайта қуроллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Фан-техника революцияси шароитида ишлаб чиқариш соҳасида рўй берган салмоқли ўзгаришлар жаҳон савдосининг ривожланишига туртки бўлди ва ишлаб чиқаришнинг халқаро миқёсда ихтисослашуви кооператсиялашувини талаб этди. Ушбу жараёнлар мамлакатлар ўртасидаги товар айрибошлашнинг тезкор суръатлар билан ўсиб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Товар айрибошлашнинг бундай тарзда ўсиб бориши, энг аввало, қайта ишловчи саноат маҳсулотлари ҳисобидан таъминланади. Урушдан кейинги даврда жаҳон савдоси тез суръатлар билан ўсиб борди ва унинг ўртача йиллик ўсиш суръати жаҳон ишлаб чиқариши ўсиши даражасидан тахминан 1,5 баробар ортиқ бўлди.¹⁵

Агар иккинчи жаҳон урушидан олдин халқаро савдода хом-ашё устуворлиги кузатилган бўлса, 90-йилларга келиб тайёр маҳсулотлар улуши

¹⁴ Тенденции развития международного торговля. Г.Мухамеджанова., Д.Эргашев: ТГЭУ, Ташкент. 2007. С-38.

¹⁵ П.В.Сергеев. Мировая экономика. М.: 2007. 75-б.

тўхтовсиз ортиб борди. Хозирги пайтга келиб, уларнинг ўртача ҳажми жаҳон савдо оборотининг 2/3 қисмини ташкил этади.¹⁶

Бинобарин, халқаро савдонинг географик таркибида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу эса алоҳида мамлакатлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг жаҳон бозорида тутган ўрни билан белгиланади. Хозирги вақтда саноати ривожланган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги улуши 71-72 фоиз ни ташкил этади. Уларнинг импортдаги улуши ҳам тахминан шунга тенг. Халқаро савдонинг 20 фоиздан ортиқроғи эса ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.¹⁷

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, умумжамиyat миқёсида ишлаб чиқарилган товарларнинг катта қисми ташқи бозорларда айрибошлаш қилинади. Бу эса мамлакатлар учун ташқи савдони янада ривожлантириш зарурлигини тақазо этади. Ташқи савдо алоқаларининг кенгайиши нафақат маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиб сотиш эҳтиёжидан, балки чет элдан маълум турдаги товарларни олиб келиш заруриятидан ҳам келиб чиқади. Ташқи бозор, асосан, ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим рол ўйнайди. Уларнинг кўпчилиги нисбатан чекланган ички бозорга эга эканлиги билан изоҳланади.

Хозирги вақтда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан бири давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимоти жараёнларига кўпроқ тортилишидир. Халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бориш имконини беради. Бу энг аввало, дунё мамлакатлари орасида бир турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг турлича эканлиги билан изоҳланади.

Мутахассисларнинг фикрича, халқаро меҳнат тақсимоти тобора чуқурлашиб боргани сари халқаро товарлар ва хизматлар айрибошлаш ҳам маълум даражада ўсиб боради. Келажакда иқтисодиёти тараққий этган

¹⁶Под редакцией д.э.н., проф., член-корр. РАЕН Е.Ф. Жукова. Международные экономические отношения. М.: ЮНИТИ. – 1999 г. 86-б.

¹⁷Е.Ф.Жукова. МЭО. 87-б.

мамлакатлар ишлаб чиқариши кўпроқ ташқи бозорларга тамон қаратилган бўлади. Ривожланаётган мамлакатларда эса ички бозорларнинг тез ва жадал равишда кенгайиб бориши тахмин қилинмоқда.

Маълумки, мамлакатлар ташқи савдосининг ривожланиши жаҳон бозори конъюктурасига бевосита боғлиқ бўлади. Дунё бозори миллий доирадаги бозорларга нисбатан ўзининг бир катор жиҳатлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, агар миллий бозор мамлакат корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларига боғлиқ бўлса, жаҳон бозори мамлакатлар ташқи иқтисодий стратегиясига бевосита боғлиқ бўлади;

Иккинчидан, жаҳон бозорининг ўзига хос томони – бу халқаро нархлар тизимининг амал қилиши ҳисобланади. Давлатлар ўртасида товар айрибошланишнинг жадаллашувида, шунингдек, капитал экспортининг кўпайиши ва жаҳон хўжалиги тизимида халқаро интеграция жараёнларининг юқори даражада ривожланиб бориши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Савдонинг глобаллашуви ва интеграция жараёнларининг чуқурлашуви унда қатнашувчи мамлакатлар олдида янгидан-янги талабларни келтириб чиқарди.

Глобаллашув миллий иқтисодиётнинг барча ишлаб чиқариш соҳаларини жаҳон иқтисодий тизими билан янада кучлироқ боғланиши учун янги имкониятларни яратиб берди. Глобализация жараёнлари миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ва уни янада ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Глобаллашган жаҳон иқтисодиёти шароитида мақсадга мувофиқ ва самарали ташқи иқтисодий сиёсатни олиб бориш энг асосий масалалардан бирига айланди. Ана шундай бир шароитда мамлакатлар олдида ташқи савдони такомиллаштириш орқали миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва жаҳон бозоридан муносиб ўринни эгаллаш энг муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Хар қандай давлат учун ташқи савдо рўлига ортиқча баҳо бериш қийин. Бироқ Ж.Сакс таърифи билан айтганда: “Дунёнинг хоҳлаган

мамлакати иқтисодий ўсиши ташқи савдо асосидадир. Хали ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажралган ҳолда соғлом иқтисодиётни ярата олмаган”. М Пебро таъбири айтганда XX-асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан халқаро алмашинув “портловчи характер” касб этган бир пайтда халқаро савдо жадал суръатлар билан ривожланди.¹⁸

1950-йилдан 1970-йилгача бўлган давр ичида жаҳон савдо обороти 14 баробар ўсди. Ғарб мутахассисларининг фикрига кўра, 1950-70-йиллар оралиғидаги давр халқаро савдо ривожланишининг “олтин асри” даври бўлди. Айти шу давр ичида жаҳон экспортининг йиллик ўсиши 75 фоиз ни ташкил этди. 70-йилларга келиб унинг ўсиш суръатида бир оз пасайиш аломати (5 фоиз) кузатилган бўлсада, 80-йиллар охирларида жаҳон экспортида бир оз жонланиш (8,5 фоиз) юзага келди. 90-йиллар бошларида эса вақтинчалик пасайиш кузатилган бўлиб, у унчалик узоқ давом этмаган. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан жаҳон савдосида яна ривожланиш босқичлари бошланди.

Халқаро савдонинг эркин тамойиллар асосида ривожланиб бориши унда қатнашувчи мамлакатлар учун тенг шарт-шароитлар яратилишини назарда тутди. Бу шундан далолат берадики, жаҳон савдосида қатнашувчи барча мамлакатлар миллий ишлаб чиқаришларини ривожлантириш орқали ташқи савдони доимий равишда такомиллаштириб боришлари зарур ҳисобланади. Ташқи савдони ривожлантириш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш давлат томонидан қуйидаги зарурий чоратadbирларни амалга ошириш зарурлигини талаб этади:

- Ташқи савдони ривожлантиришнинг аниқ дастурларини ишлаб чиқиш;
- Ташқи савдо фаолиятини ривожлантиришнинг ахборот тизимини яхшилаш;

¹⁸ Тенденции развития международного торговлa. Г.Мухамеджанова., Д.Эргашев: ТГЭУ, Ташкент. 2007. С-17

- Ташқи савдо фаолиятининг ривожланишига қўл келадиган зарурий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;
- Ташқи савдо статистикасини доимий тарзда олиб бориш;
- Ташқи савдо фаолияти соҳасида давлатлараро муносабатларни кенг йўлга қўйиш;
- Ташқи савдо фаолияти катнашчиларини кредит маблағлари билан таъминлаш;
- Савдо кўргазмалари, ярмаркалари ва махсус конференциялар ташкил этиш ҳамда уларда иштирок этиш;
- Товарлар ва хизматлар экспортини ривожлантириш бўйича реклама компаниярини амалга ошириш.

Ташқи савдо сиёсати – бу давлат томонидан ички бозорни ҳимоя қилиш ёки ташқи савдо ҳажмини кўпайтириш мақсадида экспорт-импорт операциялари иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда уларни тартибга солишга қаратилган зарурий чора-тадбирларнинг амалга оширилишидир.

Ташқи савдо сиёсатининг энг муҳим жиҳати – бу давлатнинг ташқи савдо операцияларида фаол иштирок этишидир. Давлат валюта, пул-кредит, солиқ сиёсати, ташқи савдо операцияларини амалга оширишда тарифф ва нотариф усуллардан фойдаланиш орқали экспорт ва импортни тартибга солади ва шу йўл орқали миллий иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишига, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорларга эркин чиқа олишлари учун қулай шароит яратиб беради. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида корхоналар ташқи савдо фаолияти миллий ва давлатлараро тизимлар ёрдамида тартибга солиб турилади. Ташқи савдога давлат аралашувининг кучайтирилиши, ўз навбатида корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятининг кенгайиб бораётганлиги шароитида улар фаолиятининг ташқи бозорлар ҳолатига бевосита боғлиқ бўлиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги вақтда ер юзидаги барча мамлакатларда ташқи савдо давлат томонидан турли усуллар ёрдамида тартибга солиб турилади. Бироқ ташқи савдони тартибга солиш даражаси ҳар бир мамлакатда ўзига хос жиҳати билан фарқ қилади. Масалан, Австрия давлати гўшт маҳсулотларига квота ўрнарган бўлиб, унинг миқдори ҳар бир мамлакат учун 10 000 тоннадан ошмаслиги керак эди.

Ташқи савдони давлатлараро тартибга солиш асосан, икки томонлама ва кўп томонлама битимлар ва шартномаларни тузиш орқали амалга оширилади. Ташқи савдони тартибга солишнинг миллий тизимлари жумласига ташқи савдони тартибга солишда қўлланиладиган божхона тарифлари ва нотаиф чекловлар, шунингдек, экспортни рағбатлантириш ва импортни чегаралаш ҳамда валюта-кредит билан боғлиқ чора-тадбирлар тизими киради. Ташқи савдони тартибга солиш давлат иқтисодий стратегиясининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай мамлакат очик иқтисодиётни шакллантириш ва жаҳон хўжалиги алоқаларида фаол иштирок этиш орқали халқаро савдо муносабатларини такомиллаштириб боришни мақсад қилиб қўяди. Халқаро савдо муносабатларини йўлга қўйиш орқали ҳар қандай мамлакат нисбий устунликка эга бўлган товар ёки хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Халқаро савдо классик назариялари ва ўтган тарихий давр шундан далолат берадики, халқаро савдо ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг ривожланишига кенг имкониятлар очиб беради.

Америкалик иқтисодчи олим М.Портер таъкидлаб ўтганидек, халқаро савдо мамлакатларнинг нисбий устунликка эришишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиёт ривожланишининг ҳар бир босқичида давлат иқтисодиёти барча тармоқларининг экспортга ёки импорт ўрнини босишга йўналтирилган ҳолда ривожланишини белгилаб олиши муҳимдир. Асосан ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда давлат ташқи савдо сиёсати икки муҳим стратегик масалани ҳал қилишга: импорт

ўнини босувчи ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиши лозимдир.

Ташқи савдода экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш яна шу билан характерланадики, бунда экспортдан олинadиган соф даромад микдорининг ортиб бориши, жамғариш имкониятларининг кенгайиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига янада кўпроқ жалб қилиш имкониятларининг кенгайишига олиб келади. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётга кенг жалб этилиши эса миллий иқтисодиётнинг тезкор суръатлар билан ривожланишига замин яратади.

Бундан ташқари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида соф рақобатни кучайтириш, экспортга йўналтирилган корхоналар иқтисодий салоҳиятини янада ошириш ва улар ташқи иқтисодий фаолиятини халқаро миқёсда кенгайтириш имконияти юзага келади. Бу эса миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимига тобора чуқурроқ интеграциялашуви имконини беради. Мамлакат иқтисодиёти бундай тузилмаларнинг яратилиши истеъмол учун зарур бўлган бир қатор товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун замин ҳозирлайди.

Одатда, ресурслар иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланувчи экспорт тармоқлари томон йўналтирилади ва қайта тақсимланади. Вақт ўтиши билан экспортиёрлар халқаро бозорларни забт этиш сирларини, технолигиялардан унумли фойдаланиш, лойиҳалаштириш, маҳсулот сифати устидан назорат ўрнатиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва менежментга таалуқли бўлган замонавий билимларни эгаллаб борадилар.

Ташқи савдода экспортдан келадиган даромаднинг ортиб бориши турли-туман товарларга бўлган талабнинг ортишига ҳам олиб келади. Талабнинг бундай тарзда ортиб бориши таклифнинг ўсиши орқали қондирилади ва у маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарф қилинадиган инвестицияларни маълум даражада рағбатлантиради. Экспорт тизимининг ривожланиши шунингдек, ишлаб чиқариш қудратининг ўсиши ва ишсизлик муаммоларининг бартараф этилишига ҳам олиб келади.

Бундан ташқари экспорт импорт учун зарур бўлган валюта тушимларига эга бўлишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бу экспортнинг иқтисодий ўсишга тўғридан-тўғри таъсири бўлиб ҳисобланади. Ўз-ўзидан маълумки, товарларни импорт қилиш имкониятлари мамлакатдаги мавжуд экспорт имкониятларига бевосита боғлиқдир.

Экспертларнинг фикрига кўра, экспорт ва иқтисодий ўсиш ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик бўлмасдан гўёки мамлакат жамғариш ва инвестиция орқали иқтисодий ўсишга тезроқ эришиши мумкиндир.

Ташқи савдо ривожланишининг турли ҳил кўринишларига эга бўлган 40 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг Жаҳон Банки экспертлари томонидан статистик таҳлил қилиниши шундан далолат берадики, 1960-85-йиллар мобайнида узоқ муддатга мўлжалланган импорт ўрнини босишга қаратилган жадал стратегик ривожланиш ўртача 1,6 фоизга иқтисодий ўсишни таъминлаган бўлса, экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш стратегияси эса ўртача 6-7 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаган.

Иқтисодиёти экспортга йўналтирилган мамлакатлар узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда жаҳон хўжалиги тизимида интеграциялашиш орқали катта фойда олиш имкониятларига эга бўладилар. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш масаласи барқарор иқтисодий ўсишга эришмоқчи бўлган ҳар бир давлатнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Агар мамлакат олдида валюта захираларини яратиш ҳамда маҳаллий валюта конвертациясини эркин амалга ошириш муаммоси пайдо бўлса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилиш зарурий валюта маблағларига эга бўлишнинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади.

Экспортни ривожлантиришдан асосий мақсад – халқаро бозорларни ўзлаштириш орқали жаҳон хўжалиги тизимидан муносиб ўрин эгаллаш ва катта фойда олишдан иборатдир. Олинадиган фойда эса ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш ва кенгайтиришга, ходимлар малакасини ошириш ва

уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ҳамда зарурий инфратузилма объектларини қуришга сарфланиши лозимдир.

Экспортни ривожлантиришнинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири – бу валюта заҳираларини яратишдан иборат бўлиб, мазкур заҳиралар замонавий ускуна ва технологияларни харид қилиш, патентлар, лицензиялар ва ноу-хауларни сотиб олиш, материаллар ва бутловчи қисмларни алмаштириш ҳамда бошқа давлатлар банкларида кредит линияларини очиш учун фойдаланилади.

Жаҳон ҳўжалиги ва бозорида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиш экспортиёрлар олдида муҳим бир вазифани бартараф этишни, яъни ишлаб чиқариш муносабатларини инновацияга асосланган ҳолда доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб этади. Хусусан, мазкур стратегия Япония давлатининг урушдан кейинги ривожланиш босқичида муҳим рол ўйнаган.

Бизга маълумки, Япония табиий ресурсга бой давлат эмас. Япония 100 фоиз хом-ашёни четдан импорт қилади ва уни қайта ишлаб экспортга йўналтиради. Бундан кўриниб турибдики Япониянинг иқтисодий тараққиётга эришишида фан-техника тарққиётининг ривожланганлиги ва экспорт-импорт операцияларининг самарали олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ноу-хау, янги технологиялар, материаллар ва хом-ашёларни сотиб олиш орқали ишлаб чиқариш доимий равишда замонавийлаштириб борилади. Янги технологиялар ва ускуналарни четдан харид қилиш ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг сифати юқори бўлишини таъминлайди, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширади, маҳсулот ишлаб чиқаришда материаллар сарфини камайтиради, ёқилғи-энергетика ресурслари тежалади, маҳсулотнинг ички ва ташқи бозори кенгаяди.

Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқларини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи жаҳон ҳўжалиги тизимида бевосита боғлиқ равишда амалга оширилади. Халқаро тажриба шундан далолат берадики, дунё бозорида рақобат кураши тус олаётган бир шароитда

замонавий экспортиёрлар фаолиятини у ёки бу шаклларда давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий бозор иқтисодиётининг энг муҳим қонуниятларидан бири ҳисобланади.

Бу эса экспортиёрларнинг жаҳон бозорлари конъюктурасининг доимий ўзгариб турувчи шароитларига нисбатан тезкор мослашувини таъминлайди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари фаолиятини чеклаб, чегаралаб қўйиш билан эмас, балки уларнинг жаҳон бозорларига эркин кириб боришлари билан боғлиқ фаолиятларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни долзарб масалага айлантиради. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий жиҳатлари, унинг асосий вазифалари, қоидалари ва йўналишлари ҳар бир мамлакатдаги мавжуд шарт-шароитларга бевосита боғлиқ бўлади.

Давлат ўз миллий ва бутун жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаради ва унинг иштирокчиларини рағбатлантириш ёки ташқи иқтисодий фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланувчиларга ноқулай шароит яратиш йўли билан таъсир ўтказади. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш иқтисодиётга давлат аралашувининг муайян бир кўриниши бўлиб ҳисобланади.

I боб бўйича хулоса

1. Халқаро савдо назарияларини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, унинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган классик қарашлар ҳам, замонавий қарашлар ҳам ташқи савдо муносабатлари ривожланиши жараёнида вужудга келадиган барча саволларга жавоб бера олмаса-да, мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзига хос ўрин эгаллашларини таъминловчи афзаллик жиҳатларини аниқлашга имкон беради.

2. Сўнгги йилларда фан-техника тараққиётининг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви натижасида ташқи иқтисодий

фаолиятнинг характери ва йўналишларида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Бутунжаҳон савдо ташкилоти маълумотларига кўра 2012 йилда жаҳон товар ва хизматлар савдоси тахминан 23 трлн. долларни ташкил этди. Агар фақат товарлар савдосини кўриб чиқадиган бўлсак, у ҳолда жаҳон савдоси 18,4 трлн. долларни ташкил этади. Айтилишида жаҳон товар ва хизматлар савдоси 1980 йилга нисбатан 5,6 мартага ошганлигини таъкидлаш зарур.

3. Жаҳон товар ва хизматлар экспортининг жаҳон ялпи ички маҳсулотига нисбати 2012 йилда 32 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, 1990 йилларнинг бошларида бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этар эди. 1992-2012 йиллар давомида жаҳон ялпи ички маҳсулотига экспорт квотаси 1,5 мартага ошди. Бу эса жаҳон савдоси жаҳон ишлаб чиқаришига нисбатан юқорида суръатларда ўсётганлигини билдиради. Бундай тенденция натижасида эса миллий хўжаликларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси яқин йилларга нисбатан ҳам сезиларли даражада ортди.

4. Жаҳон савдосида ривожланган мамлакатлар позициясининг сусайиши ва Хитой ҳамда Осиёнинг қатор динамик ривожланаётган мамлакатлари улушининг ошиши жаҳон савдоси ривожланишининг муҳим тенденцияларидан бири ҳисобланади. Бундай тенденция натижасида 2010 йилнинг бошида жаҳон савдосида ўзига хос ҳодиса юз берди, яъни биринчи марта жаҳон савдосида ривожланаётган мамлакатларнинг улуши ривожланган мамлакатлардан юқори бўлди ва 50 фоиздан кўпроқни ташкил этди. Ваҳоланки, 1980 йилда бу мамлакатларнинг жаҳон савдосидаги улуши 33 фоизни ташкил этар эди, холос.

II Боб. Саудия Арабистонининг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигининг асосий йўналишлари таҳлили

1. Саудия Арабистонининг иқтисодий салоҳияти ва унинг жаҳон хўжалигидаги ўрни

Саудия Арабистони жаҳондаги деярли барча нуфузли халқаро ташкилотларига аъзо, жумладан БМТ, Араб мамлакатлари лигаси, Ислом конференция ташкилоти, ОПЕК, ОАПЕК, Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши, ва бошқа ўнлаб нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо ҳисобланади. Айниқса, Араб мамлакатлари лигаси, Ислом конференция ташкилоти, ОПЕК, ОАПЕК, Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши каби ташкилотлардаги фаолиятларда Саудия Арабистони етакчилиқни ўз қўлига олган.

Маълумки, Саудия Арабистони жойлашган ўрни, яъни иқтисодий-географик жиҳатидан учта йирик қитъа – Осиё, Африка ва Европа қитъалари туташган ҳудудда жойлашган. Бу мамлакат ҳудудидан халқаро аҳамиятга эга бўлган коммуникация тармоқлари ўтади. Азалдан Саудиянинг халқаро сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий муносабатларидаги мавқеини белгилаб беришда ушбу омил муҳим роль ўйнаган. Бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Бундан ташқари, Саудия Арабистонининг географик жиҳатидан қулай жойлашганлиги жаҳоннинг турли мамлакатлари билан савдо-иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга, ишлаб чиқарилган маҳсулотарни экспорт қилишда харажатларининг паст бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Саудия Арабистони ялпи ички маҳсулот миқдори 2010 йилда 369,7 млрд.АҚШ долларини ташкил қилган¹⁹.

Таҳлиллар шуни кўрсатади-ки, Саудия Арабистони ялпи ички маҳсулоти ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Фақат 2005-2010 йиллар

¹⁹ CIA-The World Factbook-saudi/econ

оралиғида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 518,7 млрд.АҚШ долларидан 582,8 млрд.АҚШ долларигача, яъни 12,3 фоизга ўсди. Бу даврда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача қўшимча ўсиш суръати 3,6 фоизни ташкил этди. Таҳлил қилинаётган давр оралиғида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми 17600 АҚШ долларидан 22900 АҚШ долларигача ўсди.

Ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромади – 22.900 АҚШ долларини ташкил қилади.²⁰

Саудия Арабистони иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутувчи омиллардан яна бири ушбу мамлакатнинг фойдали қазилмалари захираларига бой эканлигидир. Саудия Арабистонида аниқланган нефть захиралари бутунжаҳон нефть захираларининг 26 фоизга яқинини ташкил қилади.

Саудия нефтининг энг асосий афзаллиги – таннархининг арзонлигидир. XX асрнинг 80-йилларида 1 тонна Саудия нефтини қазиб олиш таннарни 2 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, Индонезияда бу кўрсаткич - 4 АҚШ долларини, Нигерияда – 8 АҚШ долларини, АҚШда – 22 АҚШ доллари, Шимолий денгизда – 51 АҚШ долларига тенг бўлган.²¹ Бугунги кунда у бирмунча ўсган бўлса-да, жаҳондаги энг паст кўрсаткич сифатида сақланиб қолмоқда.

Агар Саудия Арабистони ялпи ички маҳсулотининг тармоқлар бўйича таркибини кўриб чиқадиган бўлсак, унда саноат ишлаб чиқарилиши асосий ўринни эгаллашининг гувоҳи бўламиз. 2010 йил маълумотларига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 61,6 фоизи саноат ишлаб чиқарилиши ҳиссасига тўғри келган.


Саудия ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 3,0 фоиз ва хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 37,9 фоизга тенг. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида саноат ишлаб чиқарилишининг салмоғи бошқа иқтисодиёт соҳаларига нисбатан анча юқори.

²⁰ CIA-The World Factbook-saudi/econ

²¹ Андреасян Р.Н. Арабская нефть проблемы и противоречия // Арабские страны: нефть и дифференциации. М.: Наука. 1995. С9-10.

Бу энг аввало миллий иқтисодиётда ёқилғи саноатининг алоҳида ўринга эга эканлиги билан боғлиқ.

Демак, ялпи ички маҳсулотнинг иқтисодиёт соҳаларга тақсимланиши қуйидагича: қишлоқ хўжалиги – 3 фоиз, саноат - 59,1 фоиз ва хизмат кўрсатиш 37,9 фоизни ташкил қилади.



1.1-расм. Саудия Арабистони ялпи ички маҳсулотнинг иқтисодиёт соҳаларига тақсимланиши

Манба: Ушбу диаграмма интернетнинг "CIA-The World Factbook-saudi/econ" тармоғидаги мавжуд маълумотлар асосида диаграмма шаклига келтирилди.

Демак, 1.1-расмга кўра, миллий иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги энг асосий улуши саноат соҳасига тўғри келар экан.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётини модернизациялашда кўзда тутилган асосий мақсад - иқтисодиётнинг диверсификациялаш сиёсатини амалга оширишдан иборат бўлганлигидир. Чунки, кўплаб саноат тармоқлари фақат нефть соҳасига боғланиб қолган эди. Шунинг учун ҳам диверсификация сиёсатини амалга оширишда саноат тармоқларини нефть тармоғига боғлиқлигини пасайтиришдан иборат бўлди.

1.1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2000 йилларнинг бошларида миллий иқтисодиёт тармоқларида ҳукумат томонидан амалга оширилган

диверсификация сиёсатидан кейин ялпи ички маҳсулотнинг иқтисодий тармоқларига улуши ҳам сезиларли даражада ўзгарди.

1.1-жадвал

Саудия Арабистони 2000-2010 йилларда ЯИМ таркибининг ўзгариши

№	Асосий тармоқлар	Фоизда
1.	<i>Қазиш саноати</i>	
1.1.	2000 йилда	57,6
1.2.	2010 йилда	46,0
2.	<i>Қайта ишлаш саноати</i>	
2.1.	2000 йилда	7,0
2.2.	2010 йилда	13,1
3	<i>Қишлоқ хўжалиги</i>	
3.1.	2000 йилда	3,7
3.2.	2010 йилда	3,0
4.	<i>Қурилиш</i>	
4.1.	2000 йилда	6,3
4.2.	2010 йилда	6,1
5.	<i>Транспорт</i>	
5.1.	2000 йилда	2,6
5.2.	2010 йилда	2,4
6.	<i>Хизмат кўрсатиш</i>	
6.1.	2000 йилда	22,8
6.2.	2010 йилда	29,4
	Жами	100

Манба: Ушбу жадвал интернетнинг "CIA-The World Factbook-saudi/econ" тармоғидаги мавжуд маълумотлар асосида ишлаб чиқилди.

Масалан, 2000 йилда қазиш саноати ЯИМдаги улуши 57,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб унинг кўрсаткичи 46 фоизга тушди. Ўз навбатида, қайта ишлаш саноатида эса, 2000 йилда ЯИМдаги улуши 7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич 13,1 фоизни ташкил қилди. Демак, миллий иқтисодийда қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг улушлари ҳам йил сайин ортиб бормоқда.

Бугунги кунда Саудия Арабистони нефть экспорти бўйича жаҳонда биринчи, нефть захиралари ва уни ишлаб чиқариш бўйича эса иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Саудия хуудларида 2011 йилда 1 кунда ўртача 12,1 млн.баррель нефть казиб олинди. Бу ОПЕКка аъзо мамлакатлар томонидан казиб олинган нефтнинг қарийб 3/1 қисмини ва жаҳон нефть ишлаб чиқарилишининг 12,6 фоизини ташкил қилади. Умуман, Саудия Арабистони табиий бойликлар захирасининг миқдори бўйича Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида 1-ўринда туради²².

Саудия Арабистонида ёқилғи-энергетика саноати миллий иқтисодиётнинг асосини ташкил этади. Халқаро Валюта Фондининг ҳисоб-китобларига кўра, 2010 йилда Саудия Арабистонида бюджет тушумларининг 80 фоизи ва экспорт миқдорининг 90 фоизи ёқилғи-энергетика саноати ҳиссасига тўғри тўғри келди.²³

Саудия Арабистонида ЯИМ ва давлат бюджети шаклланишининг нефть маҳсулотларига боғлиқлиги ушбу мамлакатнинг миллий иқтисодиётини, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариш тараққиётини жаҳон нефть ва нефть маҳсулотларига таъсирчанлигини оширади. Бу эса, истиқбол режаларни ишлаб чиқишда, аҳоли даромадлари ва ижтимоий соҳа ривожланишини башоратлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Хизмат кўрсатиш соҳаларнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган молиявий хизматлар кўрсатиш соҳаси бўйича айти пайтда Саудия Арабистони жаҳон молия бозорида фаол иштирок этишмоқда. Унинг йирик маблағга эга бўлган ўнлаб йирик тижорат банклари ва молия компаниялари жаҳоннинг кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларига молиявий ёрдамлар ва капиталларнинг экспорт қилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Саудия Арабистони банк-молия тизими миллий иқтисодиётда энг тез ривожланиб бораётган хизмат кўрсатиш соҳаларидан биридир. Агарда 1972 йилда ташкил қилинган 5 та банк ва унинг 65 та бўлими фаолият кўрсатган

²² www.opec

²³ www.imf.org

бўлса, ҳозирги кунга келиб мамлакатда жамми 12 та йирик тижорат банклар ва уларнинг 1162 та бўлимлари фаолият кўрсатишмоқда. Мамлакатда пул-кредит тизимини Саудия Арабистони Марказий банки тартибга солиб туради ва барча банклар фаолияти устидан назорат қилади.²⁴ Саудия банкларининг тўрттаси Араб дунёсининг “Юзлик банклар рейтинги”дан жой олишган.²⁵

Жаҳон банкининг расмий маълумотида кўра, 2010 йилда Саудия Арабистони жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатларига деярли 7,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида беғараз ёрдам ва кредит маблағларини тақдим қилган²⁶.

Шу ўринда, кўплаб Саудия молия компанияларининг Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатларига бераётган кўплаб имтиёзли кредитлари миллий иқтисодиётларда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган турли лойиҳаларда иштирок этаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Саудия Арабистони давлат молия тизими шаклланиши мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларни мавжудлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Масалан, узоқ йиллардан бери мамлакатнинг миллий валютаси ҳисобланган “саудия риали”нинг етакчи хорижий мамлакатларнинг валюталарга нисбатан ўзаро рақобатлашиши, ҳамда ўзининг бир неча йиллардан бери “кучи”ни, яъни мавқеини ушлаб турганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Масалан саудия риалининг (“Saudi riyal”) 1 АҚШ долларига (“US dollar”) нисбатан рақобатлашиш ва алмаштириш курси нисбати – 1998 йилда 3.75 риални ташкил қилган бўлса 2000-2008 йиллар оралиғида ҳам айнан шу кўрсаткич атрофини ташкил қилган²⁷.

²⁴ [www.central bank of saudi](http://www.centralbankofsaudi.gov.sa/)

²⁵ <http://islamic-finance.net/bank.htm>

²⁶ <http://go.worldbank.org/>

²⁷ <http://islamic-finance.net/bank.htm>

Ҳозирги кунда 4 саудия риали тахминан 1 АҚШ долларига тенгдир (2011 йилга 3,95 риал – 1 АҚШ долларига тенг). Инфляция эса сўнгги йилда 3,2%ни (2011 йил) ташкил қилган.²⁸

Лекин, жаҳон хўжалигида вужудга келган бир неча молиявий-иқтисодий инқирозлар, шунингдек, 2002 йил 1 январидан Европа мамлакатларида муомалага киритилган “евро” ва бошқа салбий жараёнлар ҳам саудия риалига умуман ва жиддий таъсир кўрсатгани йўқ. Демак, саудия реалининг барқарорлиги, мамлакат иқтисодиётининг дадил ривожланишини ва сўнгги йилларда нефт хомашёсининг ошиб бориши натижасида ҳам мамлакатнинг миллий валютасининг инфляция кўрсаткичлари умуман пасаймади.

Мамлакатда пул муомаласини тартибга солиб туриш Марказий банкнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Жаҳон банки мутахассисларнинг берган таҳлилларига қараганда, сўнгги йилларда Саудия Арабистонининг молия тизими юксак даражада шаклланишига жаҳон бозоридаги нефт хомашёси нарҳининг кўтарилгани сабабли давлат бюджети йирик маблағлар билан тўлдирилганлиги ва олтин захирасини ортишига асосий сабаб бўлган.

2008 йилда жаҳон хўжалигида юзага келган молиявий инқироз даврида Саудия Арабистони миллий иқтисодиётининг молиявий иқтисодий ўсиш кўрсаткичларида бир қатор ўзгаришлар юз берди. Аслида ҳам шундайми?

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон нефть бозори конъюктурасига боғлиқлигининг салбий жиҳатлари бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида кечаётган глобал молиявий- иқтисодий инқироз даврида яққол сезилмоқда ва мамлакат иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Масалан, ОПЕК ташкилотининг расмий интернет тармоғидаги маълумотига кўра, нефть хомашёсининг жаҳон бозоридаги нарҳи 2003 йилдан 2008 йилнинг сентябрь ойигача муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлди, яъни 2008 йилнинг охирларида жаҳон иқтисодиётида юз берган

²⁸ <http://islamic-finance.net/bank.htm>

молиявий-иқтисодий инқирози давригача. “Brent” навли нефтнинг ўртача нархи 2003 йилда 28,5 АҚШ долларида 2008 йилнинг август ойида 98,4 АҚШ долларида бўлди. Нефть хомашёси нархининг бу даражадаги ўсиш миқдори бевосита Саудия Арабистони ташқи савдосига ва ЯИМ ҳажмига ижобий таъсир кўрсатди.

Аммо, 2008 йилнинг август ойида нефть нархлари июл ойига нисбатан 13 фоизга пасайган бўлса, йилнинг охирига бориб, яъни декабрь ойида яна 64 фоизгача пасайди ва “Brent” навли нефтнинг ўртача нархи 41,7 АҚШ доллари ташкил қилди. 2009 йилнинг дастлабки 2 ойида эса жаҳон нефть нархларининг ўртача қиймати 40-44 долларга тенг бўлди. Нефть хомашёларнинг жаҳон бозорларида пасайиши ҳисобига ялпи ички маҳсулот миқдорининг 45 фоизи ва экспортининг 90 фоизи нефть маҳсулотлари ҳисобига шаклландиган Саудия Арабистони иқтисодиётига жиддий зарар келтирди.

Саудия Арабистони кейинги 30 йил ичида жаҳондаги йирик молия бозорларининг марказига айланибормокда. Унинг қимматбаҳо қоғозлар бозори, яъни “TADAWUL” индекси 1985 йилга нисбатан 17,5 баробарга ошди. 1998 - йилда нефть экспортдан атиги 35 млрд. доллар тушган бўлса, 2008 йилда бу миқдор 180 млрд. долларга етди.²⁹

Макка шаҳридаги энг харидоргир ернинг 1 кв. метрининг нархи 100 минг АҚШ долларида ошиб кетди. Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, 1 баррел нефть ишлаб чиқариш атиги 2 АҚШ доллари туради (агарда таққослаб кўрсак, жаҳонда 1 баррел нефть ишлаб чиқариш ўртача 40 АҚШ доллари туради).³⁰

Саудия Арабистони энг йирик давлат нефть компаниясининг “Saudi Aramco” ҳар куни ўртача 10 млн.баррел нефть ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ҳозирда ўртача 8,5-9 млн.баррель нефть ишлаб чиқармоқда. 2015 йилга келиб унинг қуввати 15 млн. баррелга чиқиши башорат қилинмоқда.

²⁹ Economist Intelligence Unit/

³⁰ Economist Intelligence Unit/

Агар нефть қазииш фаолияти шу тариқа давом этса, Саудия Арабистони келажак йилларда фақат нефть савдосидан кунига 500 млн.АҚШ доллари миқдорида даромад кўриши мумкин.

Миллий иқтисодиётда кимё ва пўлат ишлаб чиқариш саноати ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Йирик “SABIC” компаниясининг бир йилдаги савдоси 15 млрд.АҚШ долларидан ошиб кетди. Жаҳон молия инқирози бошлангунга қадар бу компаниянинг бозордаги нархи 175 АҚШ млрд. долларга тенг эди. Саудия Арабистони жаҳондаги энг йирик пластик қувур ва жиҳозлар ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқарувчилар қаторида кўшилди. 2006 йилда Саудиянинг 2-банки ҳисобланувчи “SAMBA” нинг ҳисоботида келтирилишича, нефтга алоқаси бўлмаган саноат маҳсулотлари экспорти 17,5 млрд.АҚШ долларини ташкил этган.

Давлат бюджетидан кетадиган асосий сарф-харажатлар ҳозирда асосан, автомобил ва темир йўллари қурилишига, аэропортларни кенгайтириш ва таъмирлаш, ижтимоий инфратузиламани янада яхшилаш, меҳмонхоналар сонини кўпайтириш ва хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш, электр ишлаб чиқариш қувватларини оширишга йўналтирилмоқда ва бундан кейинги йилларда ҳам ушбу соҳаларга бўлган эътибор ҳукуматнинг диққат марказида бўлади.

Давлат томонидан берилаётган субсидиялар миқдори ҳамон ошиб бормоқда. Денгиз хавфзасидан олинадиган сувларни филтрлаш жараёнига кетадиган харажати 84 фоизи давлат томонидан тўланади. Давлат хусусий секторда бизнесга аралашмаган ҳолда уни қонунлар доирасида олиб боришини назорат қилади.

Масалан, юқорида келтирилган “SABIC” компаниясининг 70 фоизи, энг йирик маҳаллий телеком “STC” компаниясининг 70 фоиз, мамлакатда “Миллий Тижорат Банкининг” 63 фоизи давлатга тегишлидир. Лекин ҳозирги молиявий инқирози шароитида хусусийлаштириш жараёни суст равишда бораётганлиги маълум бўлмоқда.

Саудия Арабистони нефть экспорти эвазига йирик валюта захирасига эга бўлган мамлакатдир. Шунинг учун, молиявий жихатдан бақувват бўлган ушбу мамлакат ўзининг халқаро иқтисодий муносабатларда молиявий хайрия, эҳсон ва ёрдамларини жаҳоннинг бир неча мамлакатларига бермоқда.

Жумладан, 2006 йилда Ливаннинг тикланиш жараёнларига 112 млн.АҚШ доллари миқдорида, 2000 йилдан бошлаб 2010 йилгача Фаластин мамлакатига хайрия ёрдам тариқасида 307 млн.АҚШ доллари миқдорида, Афғонистондаги тикланиш жараёнларига 240 млн.АҚШ доллари миқдорида ва Ироқ мамлакатига 2001 йилдан бери 1 млрд.АҚШ долларидан ортиқ хайрия ёрдамларини кўрсатди.³¹ Ушбу молиявий ёрдамлар билан Саудия Арабистони жаҳон хўжалигида халқаро молия муносабатлар тизимида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундай қилиб, хорижий компаниялар томонидан Арабистон ярим оролида топилган нефть конлари Саудия Арабистонини қисқа 50 йил даврни ўзидаёқ камбағал давлатдан жаҳондаги йирик ва бой давлатларнинг бирига айлантирди. Бунинг натижасида, Саудия Арабистони жаҳондаги экспортчи мамлакатларнинг 20-қаторидан жой олиб Араб дунёсидаги энг етакчи мамлакат сифатида намоён бўлди ва жаҳоннинг йирик “G20” мамлакатлар қаторига қўшилди.

2. Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари

Саудия Арабистони билан Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари йил сайин ривожланиб бормоқда. Икки томоннинг иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари ривожланишининг бошланғич давлари - 1970 йилларданок кенг кўламларда йўлга қўйилган.

Аввало, Саудия Арабистони билан Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг тез суръатларда ривожланишига

³¹ <http://factbook/Saudia Arabi./> 2010.

кандай омиллар ижобий таъсир кўрсатди? Икки томон ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг яқинланишига 1980-1990 йилларда Форс кўрфази минтақасида рўй берган сиёсий инқироз сабаб бўлди.

1990-йилларнинг бошларида Форс кўрфазида юз берган сиёсий инқироз, яъни Ироқ-Қувайт ва Ироқ-АҚШ ўртасидаги зиддиятлар натижасида Саудия Арабистонининг Европа мамлакатлари билан, жумладан, Буюк Британия, Франция, Италия ва Германия каби мамлакатлар билан янада яқинлашишига туртки бўлган. Шунингдек, НАТОнинг Ироққа қарши олиб борган уруш ҳаракати Саудия Арабистони мамлакатлари билан ҳамкорликда олиб борганлиги айнан ушбу омилга сабаб бўлади. Чунки бир қатор Европа мамлакатлари Саудия Арабистони ҳудудидан Ироққа қарши урушда фойдаланганлиги учун йирик товуш маблағи ва иқтисодий ёрдам тариқасида сармояларини тақдим қилишган.

1. Нефть-газ соҳасидаги иқтисодий ҳамкорлик. Саудия Арабистони Европа Иттифоқи мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорликдаги энг асосий йўналишларидан бири бу – нефть-газ соҳасидаги иқтисодий ҳамкорликдир. Мамлакатнинг қирғоқбўйи ҳудудларидаги мавжуд нефть конларида европанинг ўнлаб йирик компаниялари самарали фаолият олиб боришмоқда. Нефть захираларини ва конларини аниқлаш бўйича бир қатор европалик сармоядорлар геологик-қидирув ишларини олиб бормоқда.

Саудия Арабистонининг Европа мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларининг ривожланиши 2012 йилнинг бошларига келиб ўзининг ривожланиши билан юқори чўққисига чиқди. Чунки, мамлакатда Юқоридаги бўлимда таъкидлаб ўтилганидек, 2012 йилнинг 24 январиди, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг Эрон нефт экспортининг жаҳон бозорида сотилишига “иқтисодий санкция” берилганлиги сабабли, Эроннинг жаҳон бозоридаги нефт улуши экспортини Саудия Арабистони ўз зиммасига олишини билдириб ўтган эди. Шунинг учун ҳам агарда Эроннинг сиёсий инқирози 2012 йилда ҳам давом этадиган бўлса, у ҳолда 2012 йилнинг июль

ойига борганда Саудия Арабистони нефть хомашёсини казиш ва уни экспортини 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ошиши истикболи мавжуд.³²

2. *Авиа транспорти соҳасидаги иқтисодий ҳамкорлик.* Авиа транспорти соҳасида Европа Иттифоқининг бир қатор авиакомпаниялари билан иқтисодий ҳамкорликка эгадир. Саудиянинг сармоялари ҳам Европа Иттифоқи мамлакатларига ҳам жалб қилинмоқда. Биргина Буюк Британия, Франция ва Италия мамлакатларида саудиянинг авиакомпаниялари ҳамкорлик битимига асосан ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар ва бир қатор халқаро йўналишлар бўйича юк ва йўловчиларни ташиш бўйича халқаро авиарейсларни амалга оширмоқдалар.

Бундан ташқари, Саудия Арабистонида авиа транспорти хизматини янада яхшилаш борасида европанинг бир қатор компаниялари билан “Авиа соҳасида иқтисодий ҳамкорлик” шартномаларини имзолашган. Масалан, Саудиянинг “Сауди Арабиэн” авиакомпанияси ўз авиапаркларидаги мавжуд “Боинг”ларни таъмирлаш, авиасалонларни жиҳозлаш, мутахассислар хизматининг сифатини ошириш, учувчиларнинг малакасини ошириш, бортинженерларни қайта ўқитиш, биринчи техник носозларни таъмирлаш каби соҳаларда ҳамкорлик қилиш мақсадида Германиянинг “Hummel GmbH Co” ва “Lufthansa Flight Training GmbH” (Франкфурт) компаниялари билан узоқ муддатли шартнома имзолаган. Шартномага мувофиқ, икки томон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик 2008-2016 йилларга мўлжалланган.³³

3. *Банк-молия соҳасидаги иқтисодий ҳамкорлик.* Банк-молия соҳасида ҳам Саудиянинг бир қатор йирик тижорат банклари европа банклари билан ўзаро иқтисодий ҳамкорликка эга. Масалан, Саудия миллий иқтисодиётини ривожлантиришдаги қабул қилган “беш йиллик” режаси қаторидан банк-молия соҳасини ривожлантириш йўналишида “банк-молия соҳасини ривожлантиришда Европанинг молия марказларидан малакали

³² www.vesti.ru

³³ АЭРОФЛОТ//№6.М.:2010. С-68.

мутахассисларни ёллаш ҳамда европа банклари билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш” вазифаси ҳам жой олган³⁴.

Жаҳон банки мутахассисларнинг таҳлилларига қараганда, сўнгги йилларда Саудия Арабистонининг молия-кредит тизими юксак даражада шаклланишига жаҳон нефть бозорида 2007-2008 йилларда нефт хомашёси нарҳининг бир неча бор кўтарилганлиги сабабли йирик хорижий валюталар маблағлари билан тўлдирилганлиги ҳамда Саудия Арабистонининг олтин захирасини деярли икки маротаба ортишига асосий сабаб бўлган.³⁵

Саудия Арабистони Европа Иттифоқи мамлакатлари билан, жумладан Германия, Люксембург ва Швейцария каби мамлакатлари билан банк-молия соҳасида ўзаро иқтисодий ҳамкорликка эга. Саудиянинг “Al Rajhi” Банки, “Aljazeera” Банки ва “Albilad” Банклари Европа Марказий Банки билан яқин иқтисодий ҳамкорликка эга. Чунки, ушбу банклар йирик капиталларга эга бўлиб, ўз капиталлари билан европа банкларига 2011-2012 йилларда юзага келган молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ёрдам қўлини беришга тайёр эканликларини билдириб ўтишган.³⁶

4. Икки томон ўртасида сармовий иқтисодий ҳамкорлик. Миллий иқтисодиёт тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш - бу хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги ва истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоиз-ки, хорижий сармоя эгалари, яъни потенциал инвесторлар биринчи навбатда фойда олишдан манфаатдор, шу жумладан европалик инвесторлари ҳам. Аммо Форс кўрфази минтақасидаги сиёсий аҳволнинг доимий ўзгариб бориши натижасида “таваккалчилик” омили уларни жиддий хавотирга солиши мумкин. Европалик инвесторлар учун асосий ўзига тортадиган омиллар - ривожланган инфратузилма, ишончли ва малакали меҳнат ресурслари, даромад ва капитални чет элга

³⁴ <http://islamic-finance.net/bank>.

³⁵ <http://go.worldbank.org/>

³⁶ <http://factbook/econ/saudi/>

ўтказиш (репатриация) ҳуқуқини кафолатларини, шунингдек, ижтимоий ва сиёсий барқарорликдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, бу иқтисодийнинг очиклиги ва эркинлаштириш жараёнларининг жадаллигидир. Иқтисодий тараққиёт бу ривожланаётган мамлакатнинг чуқур ислохотлар амалга оширилаётган, сармоя киритишнинг зарур кафолат ва истикболлари мавжудлигидан далолатдир.

Саудия Арабистони билан Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида сармоявий ҳамкорлик – икки томон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Мамлакатдаги инвесторларнинг деярли 70 фоизини Европа Иттифоқи мамлакатларининг компаниялари ташкил қилар экан.

Миллий иқтисодиётда жалб қилинган хорижий инвесторлар учун бир қатор имтиёзлар тадбиқ қилинган бўлиб, ушбу имтиёзлар амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган. Масалан, европа компаниялари ва фирмаларининг фойдадан тўлайдиган солиқлари 20 фоизгача туширилди. Лекин, қизиқ томони - Форс кўрфази давлатлари билан ташқи савдо-сотиқ жараёнларида божхона тўловлари атиги 5 фоиз ставка қилиб белгиланган бўлса, хатто қўшни Қатар, Қувайт ва Бахрейн мамлакатлари учун “0” фоиз белгиланган.³⁷

5. *Туризм соҳасида иқтисодий ҳамкорлик.* Туризм соҳасида икки томон ўртасидаги ҳамкорлик у қадар юқори даражада эмас. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, Саудия Арабистони Подшоҳлиги томонидан тадбиқ этилган қонун-қоидалар “ислом модели”га асосланганлиги учун, европалик сайёҳларнинг мамлакатга ташриф буюришида ва уларнинг сонининг кўпайишига бир қатор хусусиятлар таъсир кўрсатади. Чунки, европаликларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун мамлакатдаги амалдаги қонунчиликлар ҳалақит беради. Шунинг учун ҳам, Европа Иттифоқи мамлакатларида Саудия Арабистонига туристларни жалб қилишда

³⁷ www.custom

уларга олдиндан керакли “тушунтириш”лар берилади. 2010 йилда Европа Иттифоқи мамлаатларидан Саудия Арабистонига жами 872 минг сайёхлар ташриф буюрган бўлса, ушбу сайёхларнинг 95 фоизини, яъни 828,4 минг киши “ислом дини”га мансуб сайёхлар ташкил қилган экан.³⁸

Таҳлилларга кўра, Саудия Арабистонининг Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликларнинг асосий улуши Буюк Британия, Франция ва Германияга тўғри келади. бугунги кунда Европа Иттифоқининг энг ёш мамлакати ҳисобланган Косово ҳам Саудия Арабистони билан яқин иқтисодий ҳамкорликка эга.

Косово Республикаси Президенти Х.Салихамижичнинг 2011 йилда Саудия Арабистонига амалга оширган расмий ташрифи мобайнида Жидда шаҳрида жойлашган Ислом Конференция Ташкилотининг Бош қароргоҳида Бош котиб Э.Ихсаноглу билан учрашув чоғида, унинг қуйидаги сўзларини келтириш лозим:

“Косово жаҳондаги энг ёш мустақил мамлакатларидан биридир, албатта иқтисодий тараққиётимизда жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Биз жаҳоннинг етакчи мамлакатлари билан, жумладан Саудия Арабистони ва бошқа етакчи араб мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигимизни янада кенгайтиришимиздан манфаатдормиз”³⁹ деган сўзлари, икки томон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг муҳимлигини кўрсатиб берди. Косово Республикаси Президентининг Саудия Арабистони мамлакатига амалга оширган расмий давлат ташрифи якунида Саудия Арабистони-Косово ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ва муносабатларнинг янги даврларини очиб берди.

Жаҳон банкининг 2010 йилдаги “Йиллик ҳисоботи”га кўра, Саудия Арабистони чет эл сармояларини жалб қилишга ва иш юритишга энг қулай давлатлар рўйхатига киритилган. Хорижий фирмалар лицензияси атиги 2 ҳафта давомида тақдим этилади. Албатта, қарийб 25 млн. аҳолига эга бўлган

³⁸ <http://travelsystem>

³⁹ <http://www.oic-oci.org>

Саудия Арабистони ҳали кўп инфратузилмасига сармоя ётқизиши керак бўлади.⁴⁰

Халқаро валюта фондининг башоратига кўра, унинг аҳолиси 2020-йилда 33 млн.га етади. Демак, унинг истеъмол бозори тобора кенгайиб боради ва “хаж” мавсумига келадиган хорижий фуқароларнинг сони салкам 5 млн.кишига етиши тахмин қилинган. Бугунги кунда фақат ёқилғи-энергетика соҳасининг ўзига йилига ўртача 150 млрд.АҚШ доллари сарфланмоқда.⁴¹

Шу боис, даставвал иқтисодиётнинг саноат тармоқлари ва соҳалари бўйича эркинлаштириш жараёнларининг кечиши ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг инвесторларини Саудия Арабистони миллий иқтисодиётининг қуйидаги тармоқларига жалб этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Қайта ишлаш саноат тармоғига, яъни нефть ва табиий газ хомашёларини қайта ишлаш соҳасини янада ривожлантириш мақсадида, юқори сифатли экспортбоп маҳсулотлар миқдорини ошириш фаолиятлари учун замонавий технологияларни ва сармоядорларни жалб этиш мумкин.

2. Нефть-газ хамашёларни геологик-қидирув соҳасига роялти ва концессия шартномалари асосида европа компанияларни жалб қилиш. Унда маҳсулотни бўлиб олиш тўғрисида, геология-қидирув ишларини олиб бориш ишларига ҳам хорижий инвестицияларни узоқ йилларга мўлжалланган шартномалар асосида жалб қилиш, толлинг операцияларини уюштириш, нефть ва газ захираларини излаш ҳамда лойиҳалаштириш ишларида ҳамкорлик олиб бориш иккин томонга фақат фойда келтиради.

3. Саудия Арабистони ҳудудини сув хавфзалари ўраб турганлиги сабабли миллий иқтисодиётда қисман бўлса-да кемасозлик саноати ва кема ремонтлари соҳалари ташкил қилинган. Лекин ушбу соҳани янада ривожлантириш мақсадида Европа Иттифоқининг кемасозлик саноати ривожланган мамлакатларнинг, жумладан Италия, Франция, Германия ва

⁴⁰ <http://go.worldbank.org/A9T>

⁴¹ ⁴¹ www.imf.org

Буюк Британия каби мамлакатларнинг йирик кема қуриш компаниялари билан иқтисодий ҳамкорлик қилса ва ушбу соҳаларга уларнинг сармоялари жалб қилинса, мамлакатнинг кemasозлик тармоғининг янада ўсишига олиб келади.

4. Саудия Арабистони ҳар йили ўрта ҳисобда тахминан 4 млн.га яқин зиёратчиларни қабул қилади. Зиёратчиларнинг сони йилдан-йилга ортиб боришини ҳисобга олиб, мамлакатнинг Макка ва Мадина шаҳар атрофларида юзлаб меҳмонхоналарни қуриш ва инфратузилмани кенгайтириш, зиёратчиларга турли хизматларни кўрсатиш, транспорт ва алоқа соҳаларида европанинг йирик компаниялари билан ҳамкорлик қилиш мумкин.

5. Саудия Арабистони Арабистон ярим оролида ноқулай иқтисодий-географик шароитига қарамасдан йирик аграр салоҳиятга эгадир. Шунинг учун ҳам, ушбу мамлакатда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, озиқ-овқат масхулотларини ишлаб чиқариш, деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида ҳамда ушбу соҳалари ривожланган Европа мамлакатлари билан, хусусан, Голландия, Германия, Буюк Британия каби мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Демак, Саудия Арабистони билан Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлигининг асосий йўналишлари таҳлилларига асосан икки томон қуйидаги асосий иқтисодий йўналишларда ҳамкорликни олиб боришмоқда.

- Нефть-газ қидирув ишларида;
- Нефть-газ қазиш ва уни қайта ишлаш саноат тармоғидаги иқтисодий ҳамкорлик;
- Транспорт соҳасида, хусусан авиа транспорти соҳасида иқтисодий ҳамкорлик;
- Банк-молия соҳасида иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик йўналишлари аниқланди.

3. Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш жараёнлари ва динамикаси таҳлили

Саудия Арабистони ташқи савдо-сотиғининг миқдори йил сайин ортиб бормоқда. Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий муносабатларда ташқи савдо алоқалар муҳим роль ўйнайди.

Саудия Арабистони дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзаро ташқи иқтисодий муносабатларни самарали олиб бормоқда. Бугунги кунда унинг ташқи савдо сиёсатини географик йўналишининг хусусиятларига қараб 4 та гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1-гуруҳ: “араб дунёси” мамлакатлари билан ўзаро ташқи савдо муносабатлари;

2-гуруҳ: Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари билан ўзаро ташқи муносабатлари;

3-гуруҳ: Осиёнинг Шарқий қисми мамлакатлари билан ўзаро ташқи муносабатлари;

4-гуруҳ: жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари билан ўзаро ташқи савдо муносабатлари.

Саудия Арабистони Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо-сотиқ жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Сўнгги йилларда миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар европа бозорларида муҳим ўрин олмоқда, шу билан бирга кўплаб аҳоли истеъмоли маҳсулотларини импорт қилмоқдалар.

Унинг ташқи савдосида нефть экспорти муҳим аҳамият касб этади. Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотининг маълумотига кўра, 2008 йилда Саудия Арабистонининг жаъми нефт экспорти 2006 йилга нисбатан 2 маротабага ошганлиги, яъни 186 млрд.АҚШ долларидан 375 млрд. АҚШ

доллари миқдорига етганлиги эълон қилинган ва нефть экспорти тарихидаги энг йирик кўрсаткичга эришди.⁴²


2.2-жадвал

Саудия Арабистони ташқи савдосининг 2007-2010 йиллардаги динамикаси. млрд. АҚШ доллари миқдорида

№	Кўрсаткичлар	2007	2008	2009	2010
1.	Умумий ташқи савдо	362,8	415,1	215,8	293,6
2.	Экспорт	284,7	313,5	189,7	209,5
3.	Импорт	78,1	101,5	82,3	84,1
4.	Сальдо	206,6	212,0	107,4	125,4

Манба: ушбу жадвал интернетнинг “<http://factbook/econ/saudi/>” сайтидаги маълумотлар асосида жадвал шаклига келтирилди.

2.2-жадвалдан кўриниб турибдики, Саудия Арабистонининг ташқи савдоси 2008 йилда 415,1 млрд.АҚШ доллари, 2009 йилда 215,79 млрд.АҚШ доллари, 2010 йилда эса 327,6 млрд.АҚШ долларини ташкил қилган.⁴³ Агарда, 2008 йилдаги умумий ташқи савдо айланмаси миқдорини кўрсак, Саудия Арабистони иқтисодиёти тарихида энг юқори ташқи савдо айланмаси айнан 2008 йилда рўй берганини кўрамиз, яъни рекорд кўрсаткич - 415,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган.



2.2-расм. Саудия Арабистони экспортидаги асосий ҳамкор мамлакатлар ва унда Европа Иттифоқи мамлакатларининг улуши (фоизда)

Манба: “<http://factbook/econ/saudi/>”

⁴² <http://go.worldbank.org/A9T86B1QD0>

⁴³ <http://factbook/econ/saudi/>

Саудия Арабистонининг умумий ташқи савдо-сотиқ соҳасида асосий ҳамкор мамлакатлар қаторига: АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатлари ташкил қилади.

Асосий экспорт маҳсулотлари: нефть ва нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, кичик турдаги электрон маҳсулотлари, балиқ, тўқимачилик ва пойафзал маҳсулотлари ва шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳалари ташкил қилади.

Демак, юқоридаги 2.2-расмдан кўриниб турибдики, Саудия Арабистони экспорти 2010 йилда 209,5 млрд.АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг экспортдаги асосий ҳамкорлари: Япония - 15,3 фоиз; Жанубий Корея - 12,7 фоиз; АҚШ - 12,2 фоиз; Хитой - 10,4 фоиз; Ҳиндистон - 7,1 фоиз; Тайвань - 4,6 фоиз, Германия - 4,3 фоиз; Буюк Британия - 4,2 фоизни ва бошқалар - 29,2 фоизни ташкил қилади.

Саудия Арабистони экспортида энг асосий ҳамкор давлатлар қаторида Европа Иттифоқининг фақат Германия ва Буюк Британия мамлакатлари бор ҳолос. Қолган Италия, Франция, Испания, Австрия каби мамлакатлар Буюк Британиядан кейинги ўринларда туришади.

2.3-жадвал

Саудия Арабистонининг 2007-2010 йиллардаги экспорт жараёнлари динамикаси ва унда Европа Иттифоқи мамлакатларининг улуши, млрд. АҚШ доллари миқдорида


№	Экспортдаги асосий ҳамкорлари	2007	2008	2009	2010
1	Япония	46,0	48,4	30,9	32,1
2	Жанубий Корея	39,7	45,1	25,4	26,6
3	АҚШ	46,8	52,5	23,7	25,7
4	Хитой	32,5	34,7	20,2	21,8
5	Ҳиндистон	15,4	22,4	13,4	14,9
6	Тайвань	10,7	16,8	9,0	9,6
7	Германия	9,4	14,7	8,8	9,0
8	Буюк Британия	8,1	15,2	8,5	8,8
9	Бошқа мамлакатлар	76,1	63,7	49,8	62,0
10	Жами экспорт миқдори	284,7	313,5	189,7	209,5

Ушбу диаграмма интернет сайтининг “<http://factbook/econ/saudi/export>” тармоғидаги маълумотлар асосида жадвал шаклига келтирилди.

Саудия Арабистонининг Европага чиқараётган экспорт маҳсулотларининг деярли 90 фоизини асосан нефть ва нефть маҳсулотлари ташкил қилади.

2.3-жадвалдаги Саудия Арабистонининг 2007-2010 йиллардаги экспорт жараёнлари динамикасида кўриниб турибдики, унинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан экспортида энг юқори кўрсаткич Германияга тўғри келиб, унинг экспорт миқдори 2008 йилда 14,7 млрд.АҚШ долларини ташкил қилган. Агарда унинг динамикасига эътиборни қаратсак, экспорт миқдорлари 2008 йилдан кейин секин-аста пастлагани кўрамиз. Бунинг энг асосий сабаби, 2008 йилнинг август ойидан бошлаб жаҳон нефть бозорларида нефть хомашёси нарҳининг пасайгалиги билан боғлиқдир.

2010 йилда Саудия Арабистони товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми олдинги йилга нисбатан 110,4 фоизга ўсиб, 2000 йилга нисбатан деярли уч мартадан кўпроқ ортди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси йил давомида қарийб 125,4 млрд.АҚШ долларигача ўсди.⁴⁴



2.3-расм. Саудия Арабистони импортидаги асосий ҳамкор мамлакатлар ва унда Европа Иттифоқи мамлакатларининг улуши (фоизда)

Манба: “<http://factbook/econ//saudi/>”

⁴⁴ <http://factbook/econ//saudi/>

Экспорт ҳажмининг ана шундай кўрсаткичлар билан ўсиб бориши, албатта, нефть хомашёлар ҳажми ва ҳисобига тўғри келмоқда. Саудия Арабистони мамлакатининг экспорт салоҳияти йилдан-йилга ўсиб борса-да, унинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан экспорт салоҳиятини янада оширишга имкониятлари етарлидир.

Саудия Арабистони импорт маҳсулотларини машина ва асбоб-ускуна, баъзи тайёр нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металл, озиқ-овқат, кимё маҳсулотлари, электрон маҳсулотлар (телевизорлар, компьютерлар ва турли электрон маҳсулотлар), автомобиллар, кемалар, автобуслар, самолётлар, тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни ташкил қилади.

Шунингдек, Саудия Арабистони импорти 2010 йилда 84,1 млрд.АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг импортидаги асосий ҳамкорлари: АҚШ – 12,3 фоиз; Хитой - 12,1 фоиз; Германия – 7,7 фоиз; Япония – 6,2 фоиз; Жанубий Корея – 5,3 фоиз; Ҳиндистон – 5,0 фоиз, Буюк Британия - 4,1 фоиз; Франция – 4,0 фоизни ва бошқаларни ташкил қилади (2.2-диаграммага қаранг).

2.4-жадвал

Саудия Арабистонининг 2007-2010 йиллардаги импорт жараёнлари динамикаси ва унда Европа Иттифоқи мамлакатларининг улуши млрд.АҚШ доллари миқдорида

№	Импортдаги асосий ҳамкорлари	2007	2008	2009	2010
1	АҚШ	9,4	13,9	8,7	10,3
2	Хитой	9,8	11,5	11,3	10,2
3	Германия	7,0	9,2	7,4	6,5
4	Япония	5,2	10,0	4,7	5,2
5	Жанубий Корея	4,7	4,5	3,8	4,5
6	Ҳиндистон	4,6	5,6	4,0	4,2
7	Буюк Британия	4,8	6,1	3,2	3,4
8	Франция	2,4	5,8	3,5	3,3
9	Бошқа мамлакатлар	30,2	34,9	35,7	36,5
10	Жами импорт миқдори	78,1	101,5	82,3	84,1

Манба: <http://factbook/econ/saudi/import>

2.4-жадвалдаги Саудия Арабистонининг 2007-2010 йиллардаги импорт жараёнлари динамикасида кўриниб турибдики, унинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан импортида энг юқори кўрсаткич Германияга тўғри келиб, унинг импорт миқдори 2008 йилда 9,2 млрд.АҚШ долларини ташкил қилган. Шунингдек, Германиядан ташқари Буюк Британия ва Франция каби мамлакатлар ҳам Саудия Арабистонининг импорт жараёнидаги асосий ҳамкор мамлакатлар рўйхатидан жой олган.

Ушбу 2.3-жадвал ва 2.4-жадваллар таҳлилидан кўриниб турибдики, Саудия Арабистонининг Европа Иттифоқи билан товар айланмасида импортдан кўра экспорт миқдори устун даражададир, яъни сальдо миқдори “плюс”ни ташкил қилади.

2.5-жадвал

Саудия Арабистонининг Европа Иттифоқи мамлакатларидан импорт маҳсулотлари таркиби ва унинг географик йўналишлари

№	Саудия Арабистонига экспортёр мамлакатлар	Импорт маҳсулотлари таркиби
1.	Германия	телевизорлар, автомобиллар, самолёт учун эҳтиёт қисмлари, кондиционер, музлатгичлар, тирик чорвалар, банк-молия;
2.	Италия	автомобиллар, табиий пойафзал, турли қурилиш материаллари, оқ мраморлар, соклар ва турли ичимликлар, балиқ маҳсулотлари;
3.	Испания	озик-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавотлар, совук ичимликлар, асал;
4.	Буюк Британия	асбоб-ускуналар, тўқимачилик ва майда электрон маҳсулотлар, банк-молия;
5.	Франция	самолётлар, автомобиллар, медицина препаратлари, асбоб-ускуналар, кир ювадиган машиналар ва баъзи канцелярия маҳсулотлари, банк-молия;
6.	Австрия	мебел ва уй жиҳозлари;
7.	Голландия	тирик чорвалар, пишлоқ ва сут маҳсулотлари, рангли металллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари;
8.	Бельгия	алюминий ва ундан ясалган маҳсулотлар.

Манба: интернетнинг <http://factbook/Saudia Arabi./2010> сайтидаги мавжуд маълумотлар асосида ушбу жадвал ишлаб чиқилди.

Европа Иттифоқи мамлакатларидан импорт қилинаётган маҳсулотлари таркибига эса, асосан машина ва асбоб-ускуна, аҳоли истеъмоли маҳсулотлари, озиқ-овқат, кимё маҳсулотлари, электрон маҳсулотлар (телевизорлар, компьютерлар ва турли электрон маҳсулотлар), автомобиллар, автобуслар, самолётлар кабилар киради.

Икки томон ўртасидаги экспорт-импорт товарлар рўйхатини таҳлил қилинганда, Саудия Арабистонининг Европа Иттифоқи Иттифоқи мамлакатларига асосий экспорт товарлар таркибида нефть хомашёси муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Саудия Арабистонининг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан экспорт-импорти жараёнлари таҳлил қилинганда, Европа Иттифоқининг бир қатор мамлакатлари, жумладан, Португалия, Ирландия, Шимолий Ирландия, Дания, Люксембург ва Швейцария каби мамлакатларнинг улуши жуда кам миқдорни ташкил қилади.

Демак, юқори жадваллардан кўриниб турибдики, Саудия Арабистонининг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро товарайирбошлашда, хусусан ҳам экспорт ва ҳам импортдаги энг асосий ҳамкор мамлакат – бу Германиядир. Қуйида 2.6-жадвал орқали Саудия Арабистонининг Германия билан ўзаро экспорт-импорт жараёнидаги маҳсулотлар таркибини таҳлил қилиб чиқамиз.

2.6-жадвал

**Саудия Арабистонининг Германияга экспорти
ва унинг таркиби**

Экспорт маҳсулотлари таркиби	Миқдори (млрд.долл)	фоизда
Ёқилғи-энергетика (нефть-газ) ва унинг маҳсулотлари	6,53	72,6
Хизмат кўрсатиш (банк-молия)	0,45	5,0
Қишлоқ хўжалиги ва санот маҳсулотлари	0,31	3,4
Хизмат кўрсатиш (транспорт)	0,26	2,9
Кимё маҳсулотлари	0,20	2,2
Табийий ичимликлар	0,12	1,3
Ўсимлик маҳсулотлари	0,07	0,8
Хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳалари	0,32	3,6

Бошқа маҳсулотлари	0,74	8,2
Жами маҳсулотлар миқдори	9,0 млрд.	100 фоиз

Манба: EUROSTAT (Comext, Statistical regime 4).

Юқоридаги 2.6-жадвалдан кўриниб турибдики Саудиянинг Германияга экспортида асосий маҳсулотлар таркибида нефть хомашёси энг асосий экспорт маҳсулоти сифатида ўрин олган.

Халқаро экспертчи мутахассисларнинг фикрига кўра, Саудия Арабистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро ташқи савдо миқдорлари 2012 йилнинг иккинчи ярмидан янада ошиши мукин. Бунинг асосий омили сифатида, 2012 йилнинг 24 январида, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг Эрон нефт экспортининг жаҳон бозорида сотилишига “иқтисодий санкция” берилганлиги сабабли, Эроннинг жаҳон бозоридаги нефт улуши экспортини Саудия Арабистони ўз зиммасига олишини билдириб ўтган. Таъкидлаб ўтиш лозимки, агарда Эроннинг сиёсий инқироzi 2012 йилда ҳам давом этадиган бўлса, у ҳолда 2012 йилнинг июль ойига борганда Саудия Арабистони нефть хомашёсини қазиш ва уни экспортини 2011 йилга нисбатан 14 фоизга оширилиши истикболи мавжуд.⁴⁵

Шунинг учун ҳам, Саудия Арабистони мамлакати ҳукуматининг миллий экспортни ривожлантириш сиёсатини олиб боришида унинг устиворлиги шундан иборатки, ташқи савдо-сотикни ривожлантиришда аниқ дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда уларни тежамкорлик асосида қазиб чиқариш ва хорижга экспорт қилишнинг геогрфик йўналишлари бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Демак, Саудия Арабистонининг жаҳон нефть бозоридаги иштироки, нефть хомашёси орқали экспортга йўналтирилган сиёсатни, яъни хориж тажрибаларининг маълум жиҳатларини қўллаш, жумладан, ташқи савдо-сотик жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ва фойдали ривожланиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, янада батафсилроқ кўриб чиқиш ва чуқур

⁴⁵ www.vesti.ru

таҳлил қилиш ривожланаётган давлатлар учун жуда муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Саудия Арабистони экспорт-импортининг географик йўналишининг таҳлили шуни кўрсатмоқда-ки, унинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро ташқи савдо муносабатларида деярли 70 фоиз улуши асосан Европа Иттифоқининг 4 мамлакатига, яъни Буюк Британия, Германия, Франция ва Италия мамлакатларига тўғри келади. Бундан ташқари, Испания, Австрия, Голландия, Бельгия каби мамлакатлар ҳам унинг экспорт-импортидаги ҳамкор мамлакатлар қаторидаги географик йўналишларидан жой олган.

II боб бўйича хулоса

1. Саудия Арабистони Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо-сотиқ жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Сўнгги йилларда миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар европа бозорларида муҳим ўрин олмоқда, шу билан бирга кўплаб аҳоли истеъмоли маҳсулотларини импорт қилмоқдалар. Саудия Арабистонининг умумий ташқи савдо-сотиқ соҳасида асосий ҳамкор мамлакатлар қаторига: АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатлари ташкил қилади. Асосий экспорт маҳсулотлари: нефть ва нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, кичик турдаги электрон маҳсулотлари, балиқ, тўқимачилик ва пойафзал маҳсулотлари ва шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳалари ташкил қилади.

2. Саудия Арабистони экспорти 2010 йилда 209,5 млрд.АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг экспортдаги асосий ҳамкорлари: Япония - 15,3 фоиз; Жанубий Корея - 12,7 фоиз; АҚШ - 12,2 фоиз; Хитой - 10,4 фоиз; Ҳиндистон - 7,1 фоиз; Тайвань - 4,6 фоиз, Германия - 4,3 фоиз; Буюк Британия - 4,2 фоизни ва бошқалар - 29,2 фоизни ташкил қилади. Саудия Арабистони экспортида энг асосий ҳамкор давлатлар қаторида Европа Иттифоқининг фақат Германия ва Буюк Британия мамлакатлари бор ҳолос.

Қолган Италия, Франция, Испания, Австрия каби мамлакатлар Буюк Британиядан кейинги ўринларда туришади.

3. Саудия Арабистонининг Европага чиқараётган экспорт маҳсулотларининг деярли 90 фоизини асосан нефть ва нефть маҳсулотлари ташкил қилади. Саудия Арабистонининг 2007-2010 йиллардаги экспорт жараёнлари динамикаси шуни кўрсатадики, унинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан экспортида энг юқори кўрсаткич Германияга тўғри келиб, унинг экспорт миқдори 2008 йилда 14,7 млрд.АҚШ долларини ташкил қилган. Агарда унинг динамикасига эътиборни қаратсак, экспорт миқдорлари 2008 йилдан кейин секин-аста пастлагани кўрамиз. Бунинг энг асосий сабаби, 2008 йилнинг август ойидан бошлаб жаҳон нефть бозорларида нефть хомашёси нарҳининг пасайгалиги билан боғлиқдир.

4. Саудия Арабистони импорти 2010 йилда 84,1 млрд.АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг импортидаги асосий ҳамкорлари: АҚШ – 12,3 фоиз; Хитой - 12,1 фоиз; Германия – 7,7 фоиз; Япония – 6,2 фоиз; Жанубий Корея – 5,3 фоиз; Ҳиндистон – 5,0 фоиз, Буюк Британия - 4,1 фоиз; Франция – 4,0 фоизни ва бошқаларни ташкил қилади.

III боб. Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари

1. Саудия Арабистони иқтисодиётининг ривожланишида Европа Иттифоқи мамлакатлари инвестицияларининг ўрни ва роли

Форс кўрфази минтақаси мамлакатларининг миллий иқтисодиёти XX охирларига келиб тез тараққий эта бошлади. Ушбу минтақадаги мамлакатларнинг давлат бюджетига келадиган асосий даромад манбаиси - нефт ва газ хомашёлар экспортидан тушадиган хорижий валюта тушумларини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда минтақанинг Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирлиги, Қувайт, Қатар, Баҳрейн каби араб мамлакатларига тегишли бўлган етакчи ишлаб чиқариш компанияларининг экспортбоп маҳсулотлари асосан Европа бозорларига кириб бормоқда.

Саудия Арабистони Форс кўрфази минтақасидаги энг йирик давлат бўлиб, у Арабистон ярим оролидаги давлат бўлиб, унинг худуди – салкам 2,4 млн. кв. км.ни ташкил қилади (энг қизиғи, унинг жанубида ва жануби–шарқида ҳамон аниқ белгиланган чегаралар йўқ). Аҳолиси эса 25,7 млн.кишини ташкил қилади. Пойтахти Эр-Риёд шаҳри бўлиб, ушбу шаҳарда салкам 3 миллион аҳоли истиқомат қилади.⁴⁶

Саноати ривожланган йирик индустарил шаҳари қаторига Джубайл, Янби, Эр-Риёд, Жидда, Даммам, Аль-Қоссим, Аль-Ахса ва Макка шаҳарлари киради.

Араб олами ва саудиялик фуқаролар Саудия Арабистони худудини, Арабистон ярим оролини - “Араблар ороли” деб аташади. Саудия Арабистони худудининг чўл худудларида чегаралар ҳали аниқланмган. У Иордания, Ироқ, Қувайт, Қатар, Бирлашган Араб Амирлиги, Уммон ва Яман мамлакатлари билан чегарадошдир.

⁴⁶ <http://factbook.asia/arab>

Саудия Арабистони мамлакати иқтисодий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва босқичлари мавжуддир. Иқтисодий тарихдан маълумки, XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида Форс кўрфази минтақасида, жумладан Арабистон ярим оролида йирик нефт конлари аниқлангач, жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларнинг, жумладан, АҚШ ва Буюк Британия нефт компанияларининг мазкур оролга бўлган иқтисодий сиёсати ва қизиқиши кучайди.

Шу сабабли ҳам, Буюк Британиянинг бир қатор йирик нефт компаниялари томонидан ушбу худудда биринчилардан бўлиб нефт кидирув ишларини ва мавжуд нефт конларидан қазиб фаолиятларини ташкил этди.

Миллий иқтисодиётда нефть эвазига олинган хорижий валюталарнинг асосий қисмини Подшоҳликнинг инфратузилмасининг ривожланишига сарфланди. Масалан, ҳар 5 йиллик давлат режасида ўртача 1100 км.лик масофадаги қаттиқ қопламалик автомобил йўллари, янги замонавий бинолар ва йирик осмонўпар иншоотлар, мактаблар, боғчалр ва ўнлаб саноат корхоналари бунёд қилинмоқда.

Подшоҳлик ҳукумати томонидан қабул қилинаётган “5 йиллик” давлат иқтисодий дастурларини ўз вақтида ижро этиш мақсадида кўшни мамлакатлар билан ишчи кучини импорт қилиш борасида келишувларга эришган. Ҳозирги кунда Саудия Арабистонининг турли иқтисодиёт соҳаларида 8 миллионга яқин хорижлик фуқаролар меҳнат қилишади.⁴⁷ Биргина Яман мамлакатидан расмий равишда Саудия Арабистони мамлакатада фаолият кўрсатаётган ишчиларнинг сони 4 миллион 168 минг кишини ташкил қилар экан.⁴⁸

Қисқаси, ўтган 50 йил давр ичида оддий қишлоқ хўжалиги соҳалари унчалик ривожланмаган аграр давлат жаҳондаги йирик индустриал мамлакатларнинг бирига айланди.

⁴⁷ World Population: Fundamentals of Growth (Washington. D.C.: Population Reference Bureau, 2010). P-24.

⁴⁸ World Population: Fundamentals of Growth (Washington. D.C.: Population Reference Bureau, 2010).P-62.

1970 йилда (хижрий йилда – 1390 йил) Саудия Арабистони ҳукумати томонидан миллий иқтисодиётни ривожлантиришда “5 йиллик” давлат режаридан самарали фойдаланди. Ҳукумат ўз олдига Подшоҳлик ҳудуди иқтисодиётнинг кенг тармоқли ривожланишини ҳамда, энг муҳими, хомашёларни қайта ишлашга эътиборни қаратган ҳолда замонавий саноат тармоқларини ташкил қилишни ўз олдига мақсад қилди.

1980 йилларнинг бошларида жаҳон ҳўжалигида юзага келган нефть инқирозлари натижасида миллий иқтисодиётда нефтга боғланиб қолган кўплаб корхоналарда диверсификация жараёнларининг тезлашишига олиб келди.

Миллий иқтисодиёт тармоқларида саноатлаштиришни амалга оширишда ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш жараёнида хорижий капиталларнинг иштирокисиз амалга оширилиши кўзда тутилганлиги сабабли ички сармоялар танқислигига дуч келинди. Бу саноатлаштириш дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда хорижий капиталларнинг фаол иштирокини анча пасайтириб қўйди, чунки мамлакатда миллийлаштириш ва сиёсий барқарорликнинг таваккалчилик даражаси жуда юқори бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хорижий валюта тушумлари ва даромадларнинг асосий қисмини бераётган нефт саноати устидан давлат назоратини ўрнатилиши жуда йирик молиявий маблағларни тўплаш ва ушбу сармоялардан миллий иқтисодиётини ривожлантириш, энг аввало, миллий иқтисодиётни саноатлаштириш мақсадида ундан оқилона фойдаланишга имкон берди.

Саудия Арабистони миллий иқтисодиёти тарихида мисли кўрилмаган “тез иқтисодий тараққиёт” даври ҳамда мамлакатнинг ишга яроқли аҳолини иш билан тўла таъминлаш масаласини 100 фоиз миқдорида “6-беш йиллик” режасида ҳал қилди. “6-беш йиллик” давлат режаси 1995-2000 йилларга мўлжалланган эди.

Ушбу “тез иқтисодий тараққиёт” давридаги “6-беш йиллик” давлат режасида қуйидаги асосий мақсад ва вазифалар белгиланиб олинган эди:

- Мамлакатнинг барча фуқароларини саводхонлик даражасини ошириш ва ишчи-мутахассисларни тўлиқ қайта малака ошириши.

Бу вазифанинг асосий мақсади — замонавий саноат тармоқларини самарали фаолият олиб боришида ва янги технологиялар билан ишлашда малакали мутахассисларни тўлиқ қайта тайёрлашдан иборат бўлди;

- Миллий иқтисодиётда хусусий секторни ривожлантириш.

1997 йилда Саудия Арабистони Асосий саноат корпорациясининг (SABIC) хусусийлаштириш жараёни деярли 2008 йилгача давом этди ва ушбу корпорацияга қарашли бўлган барча ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари хусусийлаштирилди;

- Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий лойиҳаларга хорижий ва маҳаллий хусусий инвесторларни жалб қилишни кенгайтириш;

- Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш ҳамда бундан кейинги йилларда давлат бюджети томонидан дотация маблағлари ҳисобига (давлат бюджетидан маблағлар фақат қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун ажратилди) хорижга чиқарилаётган экспорт маҳсулотларини тўхтатишдан иборат бўлди.

Сўнгги йилларда Саудия Арабистонида иқтисодиётни модернизациялаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу чора-тадбирларнинг натижаси эса ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг ўсишида ўз аксини топади.

Саудия Арабистони жуда қисқа муддат мобайнида ижтимоий-иқтисодий қолоқликдан бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар, хусусан, ялпи ички маҳсулот ҳажми ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келиши, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми, саноат маҳсулотлари экспорти ҳажми бўйича ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашди.

Саудия Арабистони ҳукумати саноат тармоқларини ривожлантиришдан ташқари қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътиборни қаратади.

Аграр соҳа ва ушбу соҳадаги сиёсат нафақат Саудия Арабистонида, балки минтақадаги кўплаб араб мамлакатларида ҳам иқтисодий сиёсатининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. Агар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши давлат сиёсатида устувор бўлиб қолса, бу қишлоқ ҳудудларида саноатлаштиришнинг бир маромда ривожланишига ва асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга фаол ёрдам беради.

Мазкур минтақада қишлоқ хўжалиги соҳаси у қадар ривожланмаган бўлса-да, Саудия Арабистони миллий иқтисодиётида агра соҳа ўзининг хусусияти билан минтақадаги бошқа араб мамлакатларидан алоҳида ажралиб туради.

Гап шундаки, мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги тармоқларида деҳқончилик билан шуғулланишда бир қатор табиий қийинчиликлар мавжуддир. Биринчидан, сув муаммоси бўлса, иккинчидан ернинг унумдорлик тоифасига кирмаслиги билан изоҳланади.

Шунинг учун ҳам, қишлоқ хўжалигида сув муаммосининг келиб чиқиши ва ушбу соҳада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қийин ва мушкул ҳолатларда етиштирилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нарҳи ҳам табиий равишда кўтарилади. Чунки ушбу тармоқни ривожлантиришда иқлим қулай бўлсада, экин майдонларининг камлиги ва сув танқислиги билан баъзи иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради.

Маълумот тариқасида шуни айтиб ўтиш жоизки, 1970 йилларнинг ўрталарида “1-беш йиллик” давлат режасига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш мақсадида унумдор тупроқларни қўшни яқин ҳудудлардан импорт қилинганлиги таъкидлаш жоиз. Шунингдек, экин майдонлари кўплаб минерал ўғитлар талаб қилиши сабабли, мамлакатнинг асосий импорт маҳсулотлар таркибида минерал ўғитлар ҳам муҳим аҳамият касб этади

Мисол учун, фермер хўжаликлар томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нарҳи давлат томонидан жаҳон бозоридан 2-3 маротабага қиммат нарҳда сотиб олинади, лекин қиммат нарҳда сотиб олинган маҳсулотларни ички бозорда аҳолини харид қилиш қобилятидан ва жаҳон бозоридан келиб чиққан нарҳлар асосида сотилади. Шунинг учун ҳам, Саудия Арабистонида фермерлар учун субсидия миқдорлари бошқа мамлакатларга қараганда анча юқори миқдорни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи фермер хўжаликларига ҳукумат томонидан ташкил қилинган махсус Саудия Арабистони Қишлоқ хўжалиги банки томонидан бегараз ссудалар тақдим қилинади.

Шунингдек, аграр соҳада яхши ишлаб чиқилган, истиқболли ва кизиқарли бизнес-режали лойиҳалар бўлса узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ҳам берилади. Агар ушуб ихтисослаштирилган Саудия Арабистони Қишлоқ хўжалиги банки 1984 йилда ташкил топган бўлса, бугунги кунгача аграр соҳада фаолият кўрсатган фермер хўжаликлари учун жаъми 48,4 млрд.АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли ва узоқ йилларга мўлжалланган кредитлар маблағлари ва ссудалар берилган.⁴⁹

Қишлоқ хўжалигида буғдой, помидор, картошка, пиёз, қовун, хурмо (финики), цитрус мевалар, балиқ, чорва маҳсулотлари, парранда, тухум, сут каби маҳсулотлар етиштирилади. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган буғдой, мева-сабзавот, қуритилган мевалар, хурмо, сут маҳсулотлари, тухум, парранда ва балиқ маҳсулотлари мамлакат аҳолисини тўла эҳтиёжини қоплайди.

Хатто, кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қўшни араб мамлакатларига, жумладан Қувайт, Қатар, Бирлашган Араб Амирлиги ва Баҳрейн каби мамлакатларига экспорт ҳам қилинади. Интернет тармоғидаги мавжуд маълумотларга кўра, мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги тармоқларида

⁴⁹ www.adb.org

2010 йилда жаъми 4,7 миллион тонна полиз маҳсулотлари, 3,4 миллион тонна сабзавот ва қарийб 2,1 миллион тоннага яқин мевалар етиштирилган.⁵⁰

Озиқ-овқатни ялпи импорт қилиш жараёни фақатгина мавсумий хаж мавсумларида амалга оширилади. Чунки, мамлакатга ташриф буюрадиган салкам 3 миллион зиёратчиларни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар билан таъминлаш вазифаси туради.

Аграр соҳада етиштирилаётган ушбу иқтисодий кўрсаткичлари билан Саудия Арабистони жаҳон қишлоқ хўжалигига кум ва чўл устида юқори ҳосилдорликка эриша олишини исботлаб қўймоқда.

Дехқончиликдан ташқари, чорвачилик ва паррандачилик каби тармоқлар қишлоқ хўжалигида етакчи тармоқлар қаторидан жой олган. Биргина 2010 йилнинг ўзида мамлакат бўйича аграр соҳада ишлаб чиқарилган янги 132 та қишлоқ хўжалиги лойиҳалари тасдиқланган.

Миллий иқтисодиётда нефт-газ саноатдан ташқари бошқа саноат тармоқлари ҳам ривожланган. Жумладан, нефтни қайта ишлаш, химия, кemasозлик, самолётсозлик каби соҳалар ҳам ривожланиб ушбу саноат тармоқларида, нефть маҳсулотлари, аммиак, суюлтирилган газ, цемент, минерал ўғитлар, пластмасса, металл, кема ремонти ва кемалар ва самолётлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг қурилиш, кема ва самолётлар ремонти, туризм ва банк-молия соҳаларини ривожланиши билан Саудия Арабистони жаҳондаги энг тез ривожланаётган мамлакатларнинг бирига айланди.

Миллий иқтисодиётда нефт саноатининг ривожланиб бориши натижасида ҳудудларда бир қатор янги шаҳарлар қад кўтара бошлади. Масалан, Даҳран, Форс кўрфази қирғоқбўйида жойлашган Даммам ва Аль-Джу-бейль порт-шаҳарларини мисол қилишимиз мумкин. Бундан 20 йил олдин ҳам Қизил денгиз соҳилидаги Янба шаҳри хорижий мамлакатлардан хаж сафарига келаётган меҳмонлар учун ихтисослаштирилган бўлса, ҳозирда

⁵⁰ <http://factbook.asia/arab>

ушбу шаҳар мамлакатдаги йирик индустриал саноат шаҳарларнинг бирига айланди.

Аль-Джу-бейль шаҳри эса, кўптармоқли саноат, денгиз порти, савдо ва молия марказига айланди. Бу шаҳарнинг ён-атрофларида ўнлаб кимё, сувни филтрлаш станциялари ва нефтни қайта ишлаш заводлари ишга туширилди.

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 97 мамлакатига чиқарилмоқда. Саудия Арабистони нефт ва минерал ресурслар вазирлиги томонидан гранит, мрамор, охак, кум-тош конларида фаолият олиб боришлари учун жаъми 712 та лицензияни маҳаллий ва хорижий компанияларга тақдим қилган. Олтин кони ҳудудлари эса фақат давлат секторига қарашли бўлган компанияларга фаолият олиб бориш ҳуқуқига эгадирлар.⁵¹

Лекин, аввалги яроқсиз ҳолатдаги олтин ва нодир металллар қазилар конларида қайта фаолият олиб бориш учун Саудия Арабистони ҳукумати 16 та концессия шартномаси асосида ер ҳудудларини хорижий компанияларга тақдим қилди. Мамлакатдаги энг йирик олтин қазиб чиқарувчи конлари Махд Аль-Дхахабе ва Аль-Скхэбрате ҳудудларида жойлашган.

Мамлакатдаги барча тоғ-конлардаги фаолиятлар устидан Саудия Арабистони Тоғ-кон қазилар компанияси ўз назоратини ўрнатган. Ушбу компаниянинг мақсади – миллий иқтисодиётда тоғ-кон қазилар саноатини ривожлантиришдан иборатдир.

Ушбу саноат тармоғи 2002-2010 йиллар мобайнида унинг иқтисодий ўсиши йилига ўртача 9 фоиздан ўсиб бормоқда ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 4,1 фоизни ташкил қилмоқда.⁵²

Кўплаб нефть конлари хорижий инвесторларга, жумладан АҚШ, Франция, Италия ва Буюк Британия каби мамлакатларнинг бир қатор йирик нефть компаниялари узоқ йилларга мўлжалланган шартномаси асосида, яъни концессия шартномаси асосида тақдим этилган. Концессия тушунчаси- бу

⁵¹ The Kingdom of Saudi Arabia. Op. Cit., 2009. c. 195.

⁵² <http://factbook.asia/arab>

чет эллик инвесторга хўжалик фаолиятининг мўайян тури билан шуғулланиш учун давлат номидан бериладиган рухсатнома бўлиб, бу фаолиятни амалга ошириш учун давлат чет эллик инвесторга концессия шартномаси тузиш асосида молк-мулк, ер ва ер-ости участкаларини чет эллик инвесторга топширади. Концессиячи, яъни бу концессия шартномасини тузган чет эллик сармоядор.⁵³

Нефть соҳаси миллий иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этса-да, нефть соҳасидан ташқари Саудия Арабистони иқтисодиётининг ривожланишига сабаб бўлган қуйидаги хусусиятлари аниқланди ва улар қуйидагилардан иборат.

1) Мамлакатнинг иқтисодий-географик аҳволининг қулайлиги.

Саудия Арабистони худудининг иқтисодий-географик ҳолати анча қулай бўлиб, у ярим орол деб ҳам аталади. Саудия Арабистони Арабистон ярим оролининг катта қисмини эгаллаган бўлиб, унинг уч томонини Форс, Уммон, Аден кўрфазлари ҳамда Арабистон ва Қизил денгизлари ювиб туради.

Мамлакатнинг нефт ва газ хомашёларини жаҳон бозорига олиб чиқишида сув транспорти муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, 1869 йили Мисрдаги Сувайш канали ишга тушгандан кейин Саудия Арабистонининг ташқи иқтисодий фаолияти янада ривожланди ва бир қатор ҳалқаро денгиз-портлари ташкил қилинди ва қурилди.

2) Саудия Арабистони иқтисодиётига хорижий технология ва хорижий сармояларнинг жалб қилиниши.

Миллий иқтисодиётнинг саноат тармоқларига, асосан нефт ва газ соҳаларига жаҳоннинг йирик компаниялар томонидан замонавий технологиялар ҳамда янги нефт ва газ конларини қидириш ишларига хорижий сармоялар жалб этилди. Хорижий технологиялар асосан, Япония,

⁵³ Щегорцов В.А., Таран В.А. Мировая экономика. Мировая финансовая система. Международный финансовый контроль: Учебник.. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.

Жанубий Корея, Буюк Британия ва Германия каби мамлакатлардан жалб этилди.

3) Нефть-газ маҳсулотларнинг четга экспорт қилиниши.

Мамлакатдаги қазиб чиқарилаётган нефть ва газга маҳсулотларининг деярли 88 фоизи хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.⁵⁴

Лекин баъзи экспорт жараёнларида мамлакатларнинг ташқи савдосига ташқи муҳитнинг таъсири ҳам роль ўйнамоқда. Жумладан, 2008 йилнинг октябр-декабр ойларида нефт нарҳининг жаҳон бозорида тушиб кетганлиги сабабли Форс кўрфази араб мамлакатларининг нефт экспорти ҳажмини пасайишига олиб келди.

Ёки, 2010 йилнинг январ ойида Саудия Арабистони қарашли бўлган нефть ортилган йирик танкерларини Сомали мамлакатига қарашли бўлган ноқонуний қуролли гуруҳлар томонидан қўлга олиниб, 32 млн.АҚШ доллари миқдорида товон маблағи талаб қилинган.⁵⁵

Нефть экспорти миқдори бўйича Саудия Арабистони жаҳонда Россия мамлакати билан етакчиликни ўз қўлига олган.⁵⁶

4) Хизмат кўрсатиш соҳалари ва туризм соҳасининг ривожланиши.

Сўнгги йилларда жаҳон сайёҳларини Саудия Арабистони мамлакатига жалб этиш, қиғоқбўйи худудларда йирик туристик марказларни ташқил қилиш ва қуриш каби ишларни муваффақиятли олиб боришлари натижасида халқаро туризм соҳаси тез ривожланиб бормоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жаҳон оммаси Саудия Арабистонининг иқтисодий ўсишини фақатгина нефт хомашёсига боғлашади. Тўғри, лекин яқин истиқбол йилларда нефть соҳасининг ўрнига миллий иқтисодиётнинг энг асосий даромад келтирувчи тармоқ сифатида бу - хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиши кутилмоқда. Бу хизмат кўрсатиш соҳаси туризм, хажга борадиганларга хизмат кўрсатиш ва авиа хизмат кўрсатиш тармоқларидан катта даромад олади.

⁵⁴ The Kingdom of Saudi Arabia. Op. Cit., 2009. С. 195

⁵⁵ www.vesti.ru

⁵⁶ <http://iformatsiya.ru>

Шу ўринда айтиш жоизки, Саудия Арабистонига қарийб 10 йилдан буён ислом дунёси мамлакатларидан ўртача 2 млн.га яқин киши хажга ташриф буюришади. Лекин 2011 йил ноябрдаги Қурбон Хайити “ҳаж мавсуми”да ушбу мамлакатга қарийб 2 млн.800 мингдан ортиқ киши ташриф буюришди⁵⁷ ва ушбу кўрсаткич ўз навбатида “ҳаж мавсуми”лари учун “рекорд кўрсаткич бўлди.

5) Саудия Арабистони миллий иқтисодиётида табиий ресурсларнинг, яъни нефть ва газ хомашёсининг устувор аҳамияти.

2001 йилда ОПЕК ташкилоти мутахассислари қуйидаги тахлилий фикрни беришган эдилар, “агар Саудия Арабистонида нефт хомашёсини қазиб чиқариш миқдори 2000 йилги миқдорда бўлса, мамлакатнинг нефт хомашёси яна 86 йилга етади” деб истикбол берилган эди.⁵⁸

Масалан, 2002 йилда жами 7 млн.баррел нефт қазиб чиқарилган бўлса, ҳозирда ҳозирда бу кўрсаткич 12 млн. баррелга⁵⁹ етганлигига ишонч ҳосил қиламиз, чунки сўнгги йиллардаги жаҳон хўжалигидаги нефт инқирозлари Саудия Арабистонининг нефт хомашёсини қунига қазиб чиқариш миқдори кўпайиб бормоқда.

Масалан, 2012 йилнинг 24 январида, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг Эрон нефт экспортининг жаҳон бозорида сотилишига “иқтисодий санкция” берилганлиги сабабли, Эроннинг жаҳон бозоридаги нефт улуши экспортини Саудия Арабистони ўз зиммасига олишини билдириб ўтган эди. Шунинг учун ҳам агарда Эроннинг сиёсий инқирози 2012 йилда ҳам давом этадиган бўлса, у ҳолда 2012 йилнинг июль ойига борганда Саудия Арабистони нефть хомашёсини қазиш ва уни экспортини 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ошиши истикболи мавжуд.⁶⁰

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Саудия яқин ва ўрта истикбол йилларда жаҳонда нефть ишлаб чиқариш бўйича етакчилиқни қўлдан бой

⁵⁷ [www/vesti.ru](http://www.vesti.ru)

⁵⁸ [www/opec](http://www.opec)

⁵⁹ [www/vesti.ru](http://www.vesti.ru)

⁶⁰ www.vesti.ru

бермайди. Негаки, кейинги 23 йил мобайнида нефть конларини излаб топиш ва ўзлаштириш соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нефть казиб олиш 3,0 маротабага ўсган бўлса-да, унинг захиралари камаймади., аксинча, 1985-2010 йилларда 57 фоизга кўпайди ва кейинги 10 йил давомида деярли барқарор даражада сақланиб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим-ки, нефть захира ресурсларини ҳисобга олганда Саудияда нефть казиб олишни ярим йилда 30-35 фоизга ошириб, 1 кунда ўрта ҳисобда 15 млн.баррелгача нефть казиб чиқариш имкониятига эга бўлиши мумкин.⁶¹

Саудия Арабистонида нефть захирасидан ташқари, табиий газнинг ҳам йирик захиралари мавжуддир. Мамлакат ҳудудларида табиий газ хомашёсининг бугунги кунгача аниқланган умумий захираси 7,167 трлн.куб.метрни ташкил қилади ва ушбу кўрсаткич бўйича жаҳонда 4-ўринни эгаллаб турибди. Энг муҳими, 1985-2010 йилларда табиий газ казиб олиш қарийб 10 фоизга қисқарга бўлса-да, унинг захираси қайтанга қарийб 1,6 маротабага кўпайган.

б) Ҳукумат томонидан самарали иқтисодий ислохотларни ва дастурларни олиб борилиши.

Саудия Арабистони ҳукумати 1970 йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни режали ривожлантириш иқтисодий дастурларидан самарали фойдаланмоқда. Чунки қабул қилинаётган “5 йиллик” давлат дастурларида асосий иқтисодий ислохотлар ва дастурлар саноатлаштириш, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришга қаратилди.

7) Аҳолининг турмуш даражаларининг тез суръатларда ўсиши.

Саудия Арабистонида аҳолининг яшаш даражаси қўшни давлатларга нисбатан энг арзон ҳисобланади. Албатта, нефт ва газ хомашёларига эга бўлган Саудия Арабистонининг ялпи миллий маҳсулотини йилдан-йилга ўсиб бориши натижасида унинг аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ўсишига олиб келди. Ҳозирги кунда, мамлакатларининг ялпи

⁶¹ CIA-The World Factbook-saudi/econ

ички маҳсулотни аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад кўрсаткичи миқдорлари бўйича араб дунёсида юқори ўринларни эгаллаб турибди.

Демак, таҳлилларга кўра, Саудия Арабистони иқтисодиёти ривожланиши хусусиятининг энг муҳими – бу нефть казиш ва унинг экспорти соҳасининг миллий иқтисодиётда устувор аҳамияти эканлиги маълум бўлди.

2. Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони билан ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги ва уни ривожлантириш истиқболлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва марказлашган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даври, халқаро миқёсдаги глобаллашув, ҳудудий интеграция, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар молия тизимида юз бераётган таркибий ўзгаришларнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро миқёсда амалга ошаётган ушбу глобал жараёнлар ўзининг тезкорлиги, кўлами ва ахборот сифими билан мамлакат миллий иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида жидий вазифалар қўйилмоқда.

Икки томон ҳукуматлари ўртасида 2005 йилнинг 6 феввалида Саудия Арабистони пойтахти Эр-риёд шаҳрида “Икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувлар тўғрисида Англашув Меморандуми” имзоланди. Ушбу Меморандумида дўстона муносабатлар, ҳамкорлик ва ўзаро англашувни кўллаб-қувватлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.⁶²

Собиқ Совет Иттифоқи даврида ҳам Ўзбекистон Саудия Арабистони мамлакати билан дўстона алоқаларни олиб борган. Мамлакатимиз эндигина мустақилликка қадам қўйган қўйган вақтда, бизга ҳамроҳлик қилган, иқтисодиётимизнинг тикланишига ўз ёрдами аямаган давлатлар ичида араб мамлакатлари борлиги муҳим аҳамият касб этади.

⁶² "Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами", 2005 йил, 1-сон, 138-бет

Тарихдан маълумки, араб мамлакатлари билан Туркистон халқлари ўртасида узоқ йиллик маданий, иқтисодий алоқалар мавжуд бўлган. Лекин қарийб бир асрга чўзилган истибдод улар ўртасидаги алоқаларни узиб қўйган эди. Ўзбекистон ўзининг мустақиллигига эришгач, давлатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда гуркираб ўсмоқда. Бу табиий албатта, чунки юз йилдан кўпроқ бир-биридан айрилиқда яшаган халқлар ўртасидаги “бўшлиқ”ни энди тўлдириши, қадимги алоқаларни тиклаши учун шарт-шароит етилди.

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақилигига эришгач, дастлабки йиллардаёқ мамлакатимизнинг иқтисодий муносабатлари араб мамлакатлари билан жадал ривожланди, айниқса, Саудия Арабистони ҳукумати мамлакатимиз мустақиллигини жаҳон аренасида биринчилардан бўлиб тан олди.

Айниқса, собиқ Иттифок даврида, аниқроғи 1930-йилларда Шўро ҳукумати азоб-уқубатлари натижасида Арабистон ярим оролига қочиб ўтган минглаб ватандошларимиз билан ришталаримизнинг тикланиши, ҳамда уларнинг ёрдамларида араб тадбиркорларининг мамлакатимизнинг баъзи иқтисодий соҳаларига сармоялари олиб киришлари, шунингдек, бизнинг ишбилармонларимиз ҳам асосий савдо фаолиятларини араб мамлакатлари фирмалари билан олиб боришга муваффақ бўлдилар.

Чунончи, собиқ Иттифок даврида ҳам юзлаб ўзбекистонлик мутахассислар, олимлар, экспертлар ва малакали мутахассислар бу мамлакатда энергетика, ирригация, мелиорация, нефть қазиб олиш, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, илм-фан соҳаларида самарали бунёдкорлик фаолиятини олиб борганлар.

Эндиликда мустақил Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсатида Араб оламига ҳам эътиборни қаратмоқда. Жумладан, Саудия Арабистони Подшоҳлигида элчихона ва консулхонамиз фаолият кўрсатмоқда, шунингдек, ўз навбатида ютимизда Саудия Арабистони Подшоҳлигининг элчихонаси самарали фаолият кўрсатмоқда.

Расмий делегацияларнинг ўзаро ташрифлари тобора кўпайиб бормоқда, ўртада имзоланган шартномалар ва битимлар ўзаро ҳаморликни кенгайтиришга ва ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Саудия Арабистони билан иқтисодий ҳамкорлик йўналишларида банк-молия соҳаси муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Ислом тараққиёт банкига жаҳоннинг 55-аъзо мамлакати сифатида қўшилди. Ҳаммамизга маълумки, Ислом тараққиёти банкининг энг асосий ҳомийси Саудия Арабистони ҳисобланади. Ислом тараққиёт банки мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда ўз улуши билан ҳамкорлик доираларини кенгайтirmoқда.

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро молия инситутлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш мақсадида, Республика Ҳукумати томонидан 2003 йил 27 августда “Ислом тараққиёт банкига аъзолик тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди. Ушбу қарор мамлакатнинг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишига йўналтирилган ҳукумат дастурлари ҳамда қарорларини тезкор амалга оширишида яна бир туртки бўлди.

Саудия Арабистони ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро товарайирбошлаш жараёнлари 2011 йил январь-декабрь ойлари бўйича жаъми мамлакатимизнинг умумий ташқи савдо-сотиғида фақатгина 0,01 фоизни ташкил қилар экан холос.⁶³

Бу албатта жуда паст кўрсаткични ташкил қилади. Мамлакатимизнинг араб мамлакатлари билан ўзаро ташқи савдо-сотиғида ҳам Саудия Арабистони мамлакати “араб дунёси” мамлакатлари ичида ҳам энг асосий ҳамкор мамлакатлар сифатида тан олинади. Шундай экан, араб мамлакатлари билан хусусан Саудия Арабистони мамлакати билан товарайирбошлаш жараёнлари миқдорларини янада кўпайтириш бу икки мамлакат давлат бюджетига хорижий валюта тушумини кўпайтиришга ёрдам беради.

⁶³ “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил январь-декабрдаги экспорт-импорт маҳсулотлари ва хизматлари”/ Статистик бюллетени. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. Тошкент. 2012йил, февраль. 43-бет.

2008 йил 13 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим мактабларини куриш ва жиҳозлаш" лойиҳасини ОПЕКнинг халқаро ривожланиш жамғармаси ва Саудия Тараққиёт Жамғармаси иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-793-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига мувофиқ, мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга оширишни таъминлаш, узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини янада ривожлантириш ва сифатини ошириш, умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жамғармаси (ОПЕК жамғармаси) Бошқарувчилар Кенгаши беш йиллик имтиёзли даврни ҳам ҳисобга олганда 20 йил муддатда тўлаш шарти билан 5,0 млн. АҚШ долларига тенг миқдорда Ўзбекистон Республикасига имтиёзли қарз берилишини маъқуллади.⁶⁴

Шунингдек, Саудия тараққиёт жамғармаси Директорлар Кенгаши беш йиллик имтиёзли даврни ҳам ҳисобга олганда 25 йил муддатда тўлаш шарти билан 60,0 млн. Саудия риали (эквиваленти 16 млн. АҚШ долларига тенг) миқдорда Ўзбекистон Республикасига имтиёзли қарз берилишини маъқуллади.⁶⁵

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистонининг “Саудия тараққиёти жамғармаси” билан ҳамкорлик қилиш бўйича ҳукуматлараро битим имзоланган. “Саудия тараққиёти жамғармаси” мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ўзининг молиявий маблағи билан аниқ мамлакатимизнинг кўплаб тармоқларига аниқ таклиф ва лойиҳалари билан қатнашишмоқда.

Ушбу имзоланган меморандумга асосан мамлакатимизга кўплаб соҳаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича келишувлар амалга оширилди. Жумладан, транспорт ва коммуникация, қишлоқ хўжалиги, энергетика, сув таъминоти, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига “Саудия

⁶⁴ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2008 йил, 2-сон.

⁶⁵ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2008 йил, 2-сон.

тараққиёти жамғармаси” орқали сармоя олиб киришга келишиб олинди ва молиявий маблағларни Саудия Арабистонининг кафолати остида таъминланиши муҳим аҳамият касб этди.

Лойиҳаларнинг амалга оширишда соғлиқни сақлаш соҳасида вилоятларда жойлашган жаъми 14 та касалхоналарни замонавий медицина ускуналари билан таъминлаш, иссиқлик таъминотини модернизациялаш ва таъмирлаш, аҳолига тоза сувни ишглаб чиқаришда техника ва технологияларни жалб этиш ва шунингдек, вилоятлардаги сифатсиз бўлиб қолган ирригация ва мелиорация тизимларни яхшилаш ва таъмирлаш бўйича жами 432 млн.АҚШ доллари миқдорида кредитларни тақдим қилиш бўйича муҳим келишувлар амалга оширилган ва ҳозирда ушбу тақдим қилинган кредитлар эвазига кўплаб ҳудудларимизда “янгиланиш” жараёнлари амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Қишло ва сув хўжалиги, Олий ва ўрта таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, ҳамда Ўзкоммунхизмат ва Ўзбекэнерго давлат компаниялари ва бошқа ташкилотларнинг ҳамкорлигида ижро этилиши кўзда тутилган.

Умуман олганда Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка асос бўлган ҳуқуқий шартнома 1995 йилда имзоланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 191-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукумати ўртасида савдо, иқтисод, инвестициялар, техника, маданият, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида”ги қарор қабул қилинди.⁶⁶

Ушбу Битимга асосан, қуйидаги гуруҳларни ташкил қилинган:

1. Савдо, иқтисод, инвестициялар ва транспорт соҳасида ҳамкорлик қилиш гуруҳи.

⁶⁶ "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси" 1995 й., N 12.

2. Фан, техника, маданият, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларида ўзаро ҳамкорлик гуруҳи.

3. Тадбиркорлар орасидаги ўзаро ҳамкорлик гуруҳи.

Ушбу гуруҳлар доирасида икки томон ўртасида музокаралар ўтказилиб истиқбол йилларда қуйидаги соҳаларда иқтисодий ҳамкорлик қилинишига келишиб олинди:

- Савдо ва иқтисод соҳасида ҳамкорлик;
- Инвестициялар соҳасида ҳамкорлик;
- Транспорт соҳасида ҳамкорлик;
- Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик;
- Ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик;
- Стандартлаштириш ва ихтисослаштириш соҳасида ҳамкорлик;
- Тадбиркорлар орасидаги ўзаро ҳамкорлик гуруҳи

Икки давлат ишбилармонлари қўшма комиссия билан бирга савдо, инвестициялар, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва фаоллаштиришда икки давлатда яратилаётган имкониятлар ва улардан фойдаланишнинг энг яхши йўллари ўрганиб чиқдилар. Икки давлат ишбилармонларининг учрашувларида савдо кўргазмаларини уюштиришни кўпайтириш, икки давлат маҳсулотлари тўғрисида ва талаб доирасидан келиб чиқиб, қайси соҳаларда ҳамкорликни олиб бориш мумкинлиги тўғрисида маълумотлар алмашишди. Ишбилармонлар, икки давлат ўртасида хусусий сектор билан ҳамкорликни ривожлантиришда яратилаётган енгилликлар учун қўшма комиссияга ўз миннатдорчилигини билдирдилар.

Шунингдек, ўзаро манфаатдорлик ва хусусан озиқ-овқат, нефть, нефть-кимё саноати маҳсулотлари, қурилиш моллари билан савдо қилиш имкониятлари тўғрисида маълумот олиш шароитлари учун қўшма комиссияга миннатдорчилик билдирдилар.

“Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукумати ўртасида савдо, иқтисод, инвестициялар, техника,

маданият, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида”ги қарорига асосан, икки томон ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим ратификация қилинган.⁶⁷

Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлигида банк-молия соҳасининг улуши қисман кам бўлсада, лекин келажакда, албатта, икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожланишида молиявий хизматларнинг ўсиши ва мамлакатимизда Саудия Арабистонининг йирик тижорат банклари томонидан соҳаларимизга кредит маблағларини ажратилса, бу фақат иқтисодиётимизнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган бўлади.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида банк соҳасида ҳамкорлик етарли даражада эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, яқин келажакда мамлакатимизда Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ўртасида қўшма банклар ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони давлатлари ўртасидаги инвестицион ҳамкорлик истиқболлари юзасидан шу нарсани айтиш мумкинки, ҳозирги кунда Саудия Арабистонида ислом банк тизими ривожланиб бормоқда, шуларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимида ушбу йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланиши ва ишлаб чиқариш жараёнига чуқур жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда Ислом Ривожланиш Банки тахминан 200 миллиард АҚШ долларида ортиқ валюта захирасига эга⁶⁸.

Саудия Арабистони банк-молия тизимида йирик ихтисослаштирилган банклар ташкил қилинган, жумладан, Иқтисодий тарақиёт банки, Туризмни ривожлантириш миллий банки, Қишлоқ хўжалиги банклари мавжуд. Айнан шу ихтисослашган банклар орқали мамлакатимизнинг иқтисодий тармоқларига, туризмни ривожлантиришда ва қишлоқ хўжалиги тармоқларимизда иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилса ва саудиянинг

⁶⁷ "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси" 1995 й., N 12.

⁶⁸ Ўша манба.

сармоялари жалб этилса иқтисодиётимизнинг тараққиётига ўз хиссаларини ва улушларини қўшишларидан манфаатдор бўлишимизга шубҳа йўқ.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Саудия Арабистони мамлакати билан келгусида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар, хусусан, иқтисодий ҳамкорликнинг янада ривожланишига умид боғламоқдалар. Чунки, Ўзбекистоннинг Саудия Арабистони мамлакати билан мўайян иқтисодий манфаатлари бор, албатта, жумладан:

- ўзбекистонлик юқори малакали мутахассислар Саудия Арабистонида чўл ва қумли ерларни ўзлаштириш лойиҳаларида иштирок этишлари мумкин;

- ўзбекистонлик ишбилармонлар ва рақобатбардош ширкатлар саудиялик ишбилармон ҳамкорлар билан турли замонавий ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ўзаро тенг манфаатли асосда қўшма корхоналарни ташкил қилиш мумкин;

- мамлакатимиз Саудия Арабистонидан келишилган нархларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилмаётган замонавий электрон маҳсулотларни ва телерадиоаппаратураларни, ҳамда цитрус меваларни импорт қилишимиз мумкин.

- мамлакатимизда исломгача мавжуд бўлган ва исломий меъморчилик ансамблларига бой бўлганлиги сабабли, Саудия Арабистони билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришимиз мумкин;

- ўзбекистонлик нефтчиларимиз Саудия Арабистони заминида нефт конларида тажриба алмашишида ва уларнинг тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади;

- мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида саудиялик талабаларга тахсил беришимиз мумкин, бу эса давлатимизнинг валюта бюджетини бойитишга хизмат қилади. Жумладан, бир пайтлар мамлакатимизнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳридаги масжидларида юзлаб араб миллатига мансуб фуқаролар илм олиб кетишган;

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган бир қатор тайёр ва хомашё маҳсулотларини, жумладан озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари,

пахта, аҳоли истеъмоли маҳсулотларини ушбу мамлакатга экспорт қилиш имкониятига эга;

- энг асосийси, ҳаммизга маълумки, яқин йилларда, аниқроғи, 2007 йил Ислом Конференция Ташкилоти томонидан Тошкент шаҳри “Ислом маданият маркази” деб эълон қилинган эди. Айнан шу сабабли ҳам, кўплаб қадимий ва тарихий иншоотларимизни таъмирлаш ҳамда унинг атрофида ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва зиёратгоҳларни яхшилаш ишларни амалга оширишимизда Саудия Арабистонининг молиявий ташкилотларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият эга деб ҳисоблаймиз.

- шунингдек, юқори бўлимда қайд этиб ўтилганидек, саудия капиталларидан унумли фойдаланиш мақсадида, мамлакатимизнинг турли соҳаларига инвестиция асосида жалб қилиш борасида дастур ишлаб чиқилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

III боб бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Саудия Арабистони мамлакати билан келгусида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар, хусусан, иқтисодий ҳамкорликнинг янада ривожланишига умид боғламоқдалар. Чунки, Ўзбекистоннинг Саудия Арабистони мамлакати билан мўайян иқтисодий манфаатлари бор, албатта, жумладан:

- ўзбекистонлик юқори малакали мутахассислар Саудия Арабистонида чўл ва қумли ерларни ўзлаштириш лойиҳаларида иштирок этишлари мумкин;

- ўзбекистонлик ишбилармонлар ва рақобатбардош ширкатлар саудиялик ишбилармон ҳамкорлар билан турли замонавий ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ўзаро тенг манфаатли асосда қўшма корхоналарни ташкил қилиш мумкин;

- мамлакатимиз Саудия Арабистонидан келишилган нархларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилмаётган замонавий электрон маҳсулотларни ва телерадиоаппаратураларни, ҳамда цитрус меваларни импорт қилишимиз мумкин.

- мамлакатимизда исломгача мавжуд бўлган ва исломий меъморчилик ансамблларига бой бўлганлиги сабабли, Саудия Арабистони билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришимиз мумкин;

- ўзбекистонлик нефтчиларимиз Саудия Арабистони заминида нефт конларида тажриба алмашишида ва уларнинг тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади;

- мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида саудиялик талабаларга тахсил беришимиз мумкин, бу эса давлатимизнинг валюта бюджетини бойитишга хизмат қилади. Жумладан, бир пайтлар мамлакатимизнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳридаги масжидларида юзлаб араб миллатига мансуб фуқаролар илм олиб кетишган;

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган бир қатор тайёр ва хомашё маҳсулотларини, жумладан озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, пахта, аҳоли истеъмоли маҳсулотларини ушбу мамлакатга экспорт қилиш имкониятига эга;

- энг асосийси, ҳаммизга маълумки, яқин йилларда, аниқроғи, 2007 йил Ислом Конференция Ташкилоти томонидан Тошкент шаҳри “Ислом маданият маркази” деб эълон қилинган эди. Айнан шу сабабли ҳам, кўплаб қадимий ва тарихий иншоотларимизни таъмирлаш ҳамда унинг атрофида ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва зиёратгоҳларни яхшилаш ишларни амалга оширишимизда Саудия Арабистонининг молиявий ташкилотларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият эга деб ҳисоблаймиз.

- шунингдек, юқори бўлимда қайд этиб ўтилганидек, саудия капиталларидан унумли фойдаланиш мақсадида, мамлакатимизнинг турли соҳаларига инвестиция асосида жалб қилиш борасида дастур ишлаб чиқилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса

Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ривожланишига бағишланган магистрлик диссертацияси натижаларини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Халқаро савдо назарияларини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, унинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган классик қарашлар ҳам, замонавий қарашлар ҳам ташқи савдо муносабатлари ривожланиши жараёнида вужудга келадиган барча саволларга жавоб бера олмаса-да, мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзига хос ўрин эгаллашларини таъминловчи афзаллик жиҳатларини аниқлашга имкон беради.

2. Сўнгги йилларда фан-техника тараққиётининг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви натижасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг характери ва йўналишларида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Бутунжаҳон савдо ташкилоти маълумотларига кўра 2012 йилда жаҳон товар ва хизматлар савдоси тахминан 23 трлн. долларни ташкил этди. Агар фақат товарлар савдосини кўриб чиқадиган бўлсак, у ҳолда жаҳон савдоси 18,4 трлн. долларни ташкил этади. Айни вақтда жаҳон товар ва хизматлар савдоси 1980 йилга нисбатан 5,6 мартага ошганлигини таъкидлаш зарур.

3. Жаҳон товар ва хизматлар экспортининг жаҳон ялпи ички маҳсулотига нисбати 2012 йилда 32 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, 1990 йилларнинг бошларида бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этар эди. 1992-2012 йиллар давомида жаҳон ялпи ички маҳсулотида экспорт квотаси 1,5 мартага ошди. Бу эса жаҳон савдоси жаҳон ишлаб чиқаришига нисбатан юқорироқ суръатларда ўсаётганлигини билдиради. Бундай тенденция натижасида эса миллий хўжаликларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси яқин йилларга нисбатан ҳам сезиларли даражада ортди.

4. Жаҳон савдосида ривожланган мамлакатлар позициясининг сусайиши ва Хитой ҳамда Осиёнинг қатор динамик ривожланаётган мамлакатлари улушининг ошиши жаҳон савдоси ривожланишининг муҳим тенденцияларидан бири ҳисобланади. Бундай тенденция натижасида 2010

йилнинг бошида жаҳон савдосида ўзига хос ҳодиса юз берди, яъни биринчи марта жаҳон савдосида ривожланаётган мамлакатларнинг улуши ривожланган мамлакатлардан юқори бўлди ва 50 фоиздан кўпроқни ташкил этди. Ваҳоланки, 1980 йилда бу мамлакатларнинг жаҳон савдосидаги улуши 33 фоизни ташкил этар эди, холос.

5. Саудия Арабистони Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдотик жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Сўнгги йилларда миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар европа бозорларида муҳим ўрин олмоқда, шу билан бирга кўплаб аҳоли истеъмоли маҳсулотларини импорт қилмоқдалар. Саудия Арабистонининг умумий ташқи савдо-сотик соҳасида асосий ҳамкор мамлакатлар қаторига: АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатлари ташкил қилади. Асосий экспорт маҳсулотлари: нефть ва нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, кичик турдаги электрон маҳсулотлари, балиқ, тўқимачилик ва пойафзал маҳсулотлари ва шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳалари ташкил қилади.

6. Саудия Арабистони экспорти 2010 йилда 209,5 млрд.АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг экспортдаги асосий ҳамкорлари: Япония - 15,3 фоиз; Жанубий Корея - 12,7 фоиз; АҚШ - 12,2 фоиз; Хитой - 10,4 фоиз; Ҳиндистон - 7,1 фоиз; Тайвань - 4,6 фоиз, Германия - 4,3 фоиз; Буюк Британия - 4,2 фоизни ва бошқалар - 29,2 фоизни ташкил қилади. Саудия Арабистони экспортида энг асосий ҳамкор давлатлар қаторида Европа Иттифоқининг фақат Германия ва Буюк Британия мамлакатлари бор ҳолос. Қолган Италия, Франция, Испания, Австрия каби мамлакатлар Буюк Британиядан кейинги ўринларда туришади.

7. Саудия Арабистонининг Европага чиқараётган экспорт маҳсулотларининг деярли 90 фоизини асосан нефть ва нефть маҳсулотлари ташкил қилади. Саудия Арабистонининг 2007-2010 йиллардаги экспорт жараёнлари динамикаси шуни кўрсатадики, унинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан экспортида энг юқори кўрсаткич Германияга тўғри

келиб, унинг экспорт миқдори 2008 йилда 14,7 млрд.АҚШ долларини ташкил қилган. Агарда унинг динамикасига эътиборни қаратсак, экспорт миқдорлари 2008 йилдан кейин секин-аста пастлагани кўрамиз. Бунинг энг асосий сабаби, 2008 йилнинг август ойидан бошлаб жаҳон нефть бозорларида нефть хомашёси нарҳининг пасайгалиги билан боғлиқдир.

8. Саудия Арабистони импорти 2010 йилда 84,1 млрд.АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг импортидаги асосий ҳамкорлари: АҚШ – 12,3 фоиз; Хитой - 12,1 фоиз; Германия – 7,7 фоиз; Япония – 6,2 фоиз; Жанубий Корея – 5,3 фоиз; Ҳиндистон – 5,0 фоиз, Буюк Британия - 4,1 фоиз; Франция – 4,0 фоизни ва бошқаларни ташкил қилади.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Саудия Арабистони мамлакати билан келгусида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар, хусусан, иқтисодий ҳамкорликнинг янада ривожланишига умид боғламоқдалар. Чунки, Ўзбекистоннинг Саудия Арабистони мамлакати билан мўайян иқтисодий манфаатлари бор, албатта, жумладан:

- ўзбекистонлик юқори малакали мутахассислар Саудия Арабистонида чўл ва қумли ерларни ўзлаштириш лойиҳаларида иштирок этишлари мумкин;

- ўзбекистонлик ишбилармонлар ва рақобатбардош ширкатлар саудиялик ишбилармон ҳамкорлар билан турли замонавий ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ўзаро тенг манфаатли асосда қўшма корхоналарни ташкил қилиш мумкин;

- мамлакатимиз Саудия Арабистонидан келишилган нарҳларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилмаётган замонавий электрон маҳсулотларни ва телерадиоаппаратураларни, ҳамда цитрус меваларни импорт қилишимиз мумкин.

- мамлакатимизда исломгача мавжуд бўлган ва исломий меъморчилик ансамблларига бой бўлганлиги сабабли, Саудия Арабистони билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришимиз мумкин;

- ўзбекистонлик нефтчиларимиз Саудия Арабистони заминида нефт конларида тажриба алмашишида ва уларнинг тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади;

- мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида саудиялик талабаларга тахсил беришимиз мумкин, бу эса давлатимизнинг валюта бюджетини бойитишга хизмат қилади. Жумладан, бир пайтлар мамлакатимизнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳридаги масжидларида юзлаб араб миллатига мансуб фуқаролар илм олиб кетишган;

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган бир қатор тайёр ва хомашё маҳсулотларини, жумладан озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, пахта, аҳоли истеъмоли маҳсулотларини ушбу мамлакатга экспорт қилиш имкониятига эга;

- энг асосийси, ҳаммизга маълумки, яқин йилларда, аниқроғи, 2007 йил Ислом Конференция Ташкилоти томонидан Тошкент шаҳри “Ислом маданият маркази” деб эълон қилинган эди. Айнан шу сабабли ҳам, кўплаб қадимий ва тарихий иншоотларимизни таъмирлаш ҳамда унинг атрофида ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва зиёратгоҳларни яхшилаш ишларни амалга оширишимизда Саудия Арабистонининг молиявий ташкилотларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият эга деб ҳисоблаймиз.

- шунингдек, юқори бўлимда қайд этиб ўтилганидек, саудия капиталларидан унумли фойдаланиш мақсадида, мамлакатимизнинг турли соҳаларига инвестиция асосида жалб қилиш борасида дастур ишлаб чиқирилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2014. - 42 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 140-153-бетлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 154-160-бетлар.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.:Ўзбекистон, 2002. - 46-72-бетлар.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи” газетаси, 2000 йил 13 июнь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 9 апрель.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2009 йил 23 апрель.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари:

8. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.

10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.

11. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

13. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

14. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

15. Каримов И.А. 2012-йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади //2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. - “Халқ сўзи”, 2012, 20 январь.

16. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш //Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2013, 19 январь.

IV. Асосий адабиётлар:

17. Абзаева А.Р. Россия в мусульманском мире. Экономические и политические аспекты диалога. – М.: Ин-т экономики РАН, 2009. – 246 с.

18. Александров И.А. Монархии Персидского залива: этап модернизации. - М.: Издательство «Дело и Сервис», 2000. - 544 с.

19. Аль-Барами. Лига арабских государств. Смена приоритетов: от координации к единству. М., 2004. – 352 с.

20. Асаул А.Н., Б.М.Капаров, В.Б. Перевязкин, М.К. Старовойтов Модернизация экономики на основе технологических инноваций. – СПб.: АНО «ИПЭВ», 2008.

21. Ахмадиев Р.Я. Воздействие ресурсного потенциала на социально-экономическую модернизацию арабских стран. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2007. – 205 с.

22. Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистон – иқтисодийни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. – Т.: Иқтисодий, 2008. – 126 б.

23. Бирюков Е.С. Страны ССАГПЗ на мировом рынке финансовых услуг: Монография / Е.С. Бирюков. — М. : Издательство «Экономика». 2007 — 224 с.

24. Вахабов А.В., Хажibaкиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: “Молия”. – 2010. – 328 с.

25. Виноградов А.В. Китайская модель модернизации. Поиски новой идентичности. – М., 2008.

26. Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями / под ред. Б.З. Мильнера. — М.: ИНФРА-М 2009.

27. Инновационная Россия – 2020 (Стратегия инновационного развития РФ на период до 2020 года). - М.: Минэкономразвития, 2010

28. Кашук И.В, Модернизация экономики регионов на основе формирования системы отраслевых рынков. – М.: 2011.

29. Лахерере Ж. Нефть как энергоресурс: современные реалии и перспектива //Будущее нефти в качестве энергоресурса. – Абу Даби, ОАЭ: Центр стратегических исследований, 2003.

30. Макарова И. В. Потенциал модернизации машиностроительного комплекса региона: Монография/ Отв. ред. О. А. Романова. Екатеринбург, 2010. С. 23–24.

31. Модернизация и глобализация: образы России в XXI веке / Отв. ред. В.Г. Федотова. - М.: ИФ РАН, 2002.

32. Нуреев Р. Экономика развития: модели становления и модернизации рыночной экономики. – М.: Норма, 2008. – 367 с.

33. Панасюк М.В. Экономика и внешнеэкономическая деятельность исламских стран Ближнего и Среднего Востока: Учебное пособие / М.В. Панасюк – Казань: ТГГПУ, 2008. – 192 с.

34. Пахомова Л.Ф. Модели процветания (Сингапур, Малайзия, Таиланд, Индонезия). М.: Институт востоковедения РАН, 2007. – 256 с.

35. Современные процессы модернизации экономики зарубежных стран/В.Б. Кондратьев (отв.ред.) и др. – М.: ИМЭМО РАН, 2012. – 364 с.

36. Симмонс Мэтью Р. Закат арабской нефти. Будущее мировой экономики/ Пер. с англ. В. Н. Горбатко. — М.: Поколение, 2007. — 496 с.

37. Черенков В. И. Внешнеэкономическая деятельность: основные операции: учеб. пособие. — Ростов н/Д: Феникс, 2007. — 541с.

38. Black C. The Dynamics of Modernization. A Study in Comparative History. N.Y.:Harper Colophon Books, 1975. P. 186-187.

V. Қўшимча адабиётлар:

39. Акаев А.А. 2012. О стратегии интегрированной модернизации экономики до 2025 года /Вопросы экономики. – М.: 2012. - №4. – С. 97–116.

40. Белякова Г.Я., Батукова Л.Р. Инновационная модернизация экономики: сущность понятия, его взаимосвязь с понятиями модернизация и модернизация экономики /Фундаментальные исследования. – М.: 2013. – №10. – С.12-28.

41. Белякова Г.Я. Проблемы модернизации и перехода к инновационной экономике /Евразийский Международный научно-аналитический журнал. Проблемы современности. – М.: 2010. – № 4 (36). – С.42-48.

42. Беляков А.А. Модернизация российской экономики: с чего начать // Бизнес и банки. - 2010. - №15.

43. Власова О. Забытые уроки прошлых успехов Всемирная история модернизации: Специальный выпуск //Эксперт. – 2009г. – № 1. – С.18-27.

44. Григорьев Л. Коррупция как препятствие модернизации // Вопросы экономики. - М, 2008. - №2.

45. Губанов С. Новая целевая задача и условия её решения //Экономист. – 2008. – № 3. – С. 9–14.

46. Дерпутьян Г. Модерн и модернизаторы //Эксперт. – М., 2010. – № 1. – С.23.

47. Евсеев О. С. Инновационная восприимчивость национальной экономики в условиях модернизации // Молодой ученый. – 2012. – №1. Т.1. – С. 98-104.

48. Зверев А.В. Инновационная политика - основа модернизации российской экономики // Маркетинг. - М, 2008. - №6.

49. Корнаи Я. Инновация и динамизм: взаимосвязь систем и технического прогресса /Вопросы экономики. – М.: 2012. - №4. – С.4-31

50. Кучуков Р Модернизация экономики: проблемы и задачи /Экономист. – 2010. – №1. – С.5-17.

51. Новый курс: модернизация российской экономики. (Сборник статей) // Финансовый бизнес. - 2010. - №2.

52. Пашковский В.С. Государственные институты развития как средство модернизации российской экономики // Бизнес и банки. - М, 2008. - №10.

53. Попова Е. В. Основные направления модернизации российской экономики//<http://bujet.ru/article/98452.php>

54. Рогова О.Л. Модернизация экономики России: шаг вперед или два шага назад? // Бизнес и банки. - 2010. - №9.

55. Рустамов Э. Принципы эволюционной модернизации переходных экономик //Вопросы экономики. М., 2009. – № 7. – С.11-19.

56. Сенчагов В. Способствует ли бюджет - 2010 модернизации российской экономики? // Вопросы экономики. - 2010. - №2.

57. Сухарев О. Модернизация экономики России // Инвестиции в России. - 2010. - № 2.

58. Согомонов А.Ю. Этика догоняющей модернизации //Журнал «Неприкосновенный запас». – М., 2010. – № 6. – С.56-67.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

59. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2008. – 102 б.

60. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2008. – 145 б.

61. Йиллик статистик тўплам 2008. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2009. – 386 б.

62. Статистическое обозрение Узбекистана за 2009 год. Т.: 2010. – 87с.

63. Доклад о человеческом развитии. – Т.: 2008. – 204 с.

64. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. Т.: 2010. – 70 с.

65. Узбекистан в цифрах. Т.: 2013. – 152 с.

66. Статистический ежегодник Республики Узбекистан. Т.:2013. –371с.

67. Россия в цифрах. 2014: Крат.стат.сб. /Росстат- М., 2014 – 576 с.

68. Альманах Узбекистана 2013. Т.: 248 с.

69. World Development Indicators.–N.Y., 2009. – P.57

70. Global Innovative Index 2012.

71. The World Factbook, 2010-2011. Central Intelligence Agency.

72. World development indicators, 2009. The World Bank. Washington.

73. World economic outlook, April 2009. Washington.

74. United Arab Emirates, 2009-2010. UNICEF Statistics.

75. Economical Statistics, 2010. Office for National Statistics.

76. International Comparisons of Annual Labor Force Statistics, 2010.
Bureau of Labour Statistics

77. Demographic and Social Statistics, 2009-2010. National Bureau of
Statistics. UAE

VII. Интернет сайтлари:

78. www.stat.uz

79. www.cer.uz

80. www.press-service.uz.

81. www.cisstat.org.

82. [www. ereport.ru](http://www.ereport.ru)

83. www.unctad.org

84. www.ifc.org

85. www.infostat

86. www.gks.ru

87. www.mol.gov.ae

88. www.unicef.org

89. www.uaeinteract.com

90. www.alittihad.ae

91. www.mofa.gov.ae